



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 636.2+637.5

МАМАТОВ ХУРШИД АБДИРОФИЕВИЧ

**“Бройлер гўшти ишлаб чиқаришда истиқболли товуқ
кросларидан фойдаланиш”**

5 А 620603 – “Паррандачилик” мутахассислиги бўйича

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун тайёрланган диссертация

Илмий раҳбар, б.ф.н.
доцент Ю. А. Эрматов

Самарқанд – 2012

Мундарижа

Кириш

1-боб. Адабиётлар шархи

1.1. Товуқларни “Росс” кроссининг таърифи

1.1. Товуқларни “Сибиряк” кроссининг таърифи.

2-боб. Тадқиқотни бажариш шароити ва услуби.

2.1. Тадқиқотни бажариш шароити

2.2. Тадқиқотни мақсади, вазифалари ва объектлари.

3-боб. Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокамаси.

3.1. Бройлер жўжаларини сақлаш.

3.2. Бройлер жўжалари учун маҳаллий озуқалар тўлақийматли омехта ем тайёрлаш ва озиқлантириш.

3.3. Бройлер жўжаларини ўстириш ва бўрдоқилаш муддатлари.

3.4. Бройлер жўжаларини кунлик ва мутлоқ ўсиши.

3.5. Бройлер жўжаларини гўшт маҳсулдорлиги.

3.6. Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.

4. Хулоса ва таклифлар.

5. Ишлаб чиқаришга таклиф

6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги: Чорвачилик соҳаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини таъминловчи асосий тармоқлардан бири бўлиб, республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи улишининг 42,2 фоизини ташкил этади. Республикамизда ҳурматли Юртбошимиз раҳномаликларида чорвачиликни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш борасида 2006 йил 23 мартда қабул қилинган ПҚ-842-сонли қарорлари ва 2006-2011 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган Дастурнинг қабул қилиниши чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларини ривожланишини таъминлади. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Шахсий ёрдамчи, деҳқон фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида белгиланган асосий вазифалардан бири дон корхоналарида сифатли ем ишлаб чиқаришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2009) эътиборимизга ҳавола этаётган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” деб номланган ушбу асарининг долзарблиги ҳам айнан ана шу хатолар билан изоҳланади. Аҳолида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устивор вазифа қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга кратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта

кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар тамонлама кўллаб қувватлашдан иборатдир.

Навбатдаги энг устивор вазифа – бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат.

Банк ишини янада ривожлантириш, аҳоли вахўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устивор вазифа бўлиб қолади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозига қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устивор йўналиши бўлиб қолади.

Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси: Биз бугин 2011 йил якунларини баҳолар эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутоносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 феврал куни ўтказилган №03-35-20-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Республикада 2010 йилда паррандалар бош сони паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури”нинг 2-3 бандига кўра, озикабоп экин майдонларига донли озуқа экинларини жойлаштириш ва экишни ташкил қилиш топшириғи берилган.

Президентимиз томонидан соҳани ривож учун қабул қилинган 2 та муҳум қарорлар ва ушбу қарорлар билан чорвачилик соҳасига берилган

имтиёзлар эвазига, тежалган маблағлар наслчилик ишларини яхшилашга ва махсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги ҳисобига қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Жумладан, кейинги 3 йил мобайнида паррандалар бош сонининг кўпайиши барча вилоятларда ўртача 113 фоизга тўғри келди ёки Республика бўйича уларнинг ўртача сони 2011 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 37733,3 млн паррандалар бош сони ўсишга эришилган бўлса 2012 йилга келиб бу кўрсаткич бўйича 42731,2 млн етказиш кўзда тутилмоқда, шундан қишлоқ хўжалик корхоналарида 11213,7 млн бўлса қолган паррандалар фермер, деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлар зиммасида.

Чорва моллари, айниқса парранда бош сони кескин кўпаётганлигини инобатга олиб, уларни етарли озуқа билан таъминлаш мақсадида ҳар бир туманда барча фермер хўжаликлари кесимида озуқабоп экинларни экиш диспокацияси ишлаб чиқилди. Улар зарур ёнилғи – мойлаш махсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик банк кредитлари билан таъминланди. Кейинги йилларда юртимизда етти ҳазинанинг бири – паррандачиликни ривожлантириш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини парранда гўшти ва тухум билан тиббиёт меъёрлари талаби даражасида таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинаётир. Бу борада қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга жорий этиляпти.

Шу ўринда бугунги кунда аҳоли хонадонларида саноат усулида парранда боқишни ташкил этиш орқали янги иш ўринлари яратилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хонадонида саноат усулида парранда боқишни оилаларни деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказиб, уларга 3-6 фоизли имтиёзли кредитлар ажратиш йўлга қўйилди. Бу борада Олтинқўл, Жалақудуқ, Урганч, Самарқанд, Бешариқ туманларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ҳозирги кунда барча туманларда битта маҳалладан 100 та хонадон танлаб олиниб, уларга гўшт йўналишида жўжалар етказиб берилди. Ҳисоб-китобларга кўра, республикамизнинг 169 та туманидаги танлаб олинган

оилаларда ўртача 50 бошдан парранда боқилса,йил охиригача камида 1000 тоннага яқин пархез парранда гўшти ишлаб чиқарилди.

Ҳалқимиз паррандачиликни “етти хазинанинг бири” деб бежиз айтишмаган. Чунки бироз диққат – эътибор, иштиёқ, меҳр билан паррандани парваришlashга киришсангиз, кўп фурсат ўтмай тухум ва парранда гўштидек тансиқ таомлар хом ашёсига эга бўласиз. Парранданинг кенг тарқалишига сабаб йил давомида унинг кўп миқдорда тухум бериши ва гўштга тез фурсатда етилишидир. Жаҳон чорвачилик соҳасининг ривожланиши шуни кўрсатадики, чорвачиликда гўшт ишлаб чиқариш бўйича бошқа ҳайвонлар турига қараганда парранда гўштини ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланмоқда. Бройлер жўжаларини жадал ўсиши ва сарфланган озуқаларга нисбатан юқори сифатли арзон гўшт етиштириш, қисқа вақт ичида қилинган ҳаражатларнинг қопланиши ҳамда аҳолининг пархез парранда гўштига бўлган талабининг ошиши сабабли паррандачиликка қизиқиш табора ортиб бормоқда.

Тухум йўналишидаги паррандаларнинг ҳозирги кунда замонавий кроссларидан Ломанн (Германия), Хайсекс, Бованс (Голландия), Хай – Лайн (АҚШ) ва Родонит – 3 (Россия) зотлари маълум. Ўзбекистонга 1992 йилда Германиянинг парранда зотлари келтирилган бўлиб, ҳозирги кунда Республика бозорларининг 70 фоизини ташкил этади. Ломонн Браун (жигарранг). Ломонн ЛСЛ (оқ ранг) ва Ломонн Сенди (оч кулранг) кросслари Самарқанд вилоятидаги “Охалик Ломонн парранда” ҚҚ ва Тошкент вилоятидаги “Ломонн – ишонч – Надежда” ҚҚ ларида етиштирилмоқда. Бу кросслар паррандаларнинг сақланиши (Сохраносот) 99 – 99.5 фоиз она товуклар сақланиши 94 – 95 фоизни, маҳсулдорлиги 95 фоизгача боради. Товуклар уй шароитида бир йилда 270 донагача. Саноат паррандачилигида 330 донагача тухум бериши мумкин. Гўшт йўналишидаги (Бройлер) паррандачилик саноатида ҳозирги замонавий гўштдор етакчи кроссларидан – Росс (Англия), Хаббард F – 15 (Франция), Кобб (АҚШ) бройлер кроссларидан кенг фойдаланилмаоқда. Бундай чатишган жўжаларнинг тирик вазни 38 – 42 кунлик ёшида 2,3 – 2,5 кг га етади, озуқа

конверсияси (1 кг парранда тирик вазни етиштириш учун сарфланадиган озуқа миқдори) эса 1,7 – 1,8 кг ва сақланиши 97 фоизни ташкил этади, яъни халқаро меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради.

Паррандачиликда парранданинг зоти, ёши, вазни, маҳсулдорлигини иноботга олиниб тўйимли озуқалар билан боқиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун озуқа таркибига витаминли – минерал премикслари, аминокислоталар, ферментлар, пробиотиклар ва бошқалар озуқа қўшимчалари талаб этилган меъёрларда қўшилади.

Кейинги йилларда Республикамизда дунёга машҳур “Aviagen” каби фирмалардан гўштдор янги-янги кросслари келтириб урчитилмоқда. Дастлаб “Сибиряк”, “Смена-4” ва кейинги йилларда “Росс”, “Арбор-Айкрес” кроссларига мансуб паррандалар кенг тарқалмоқда. Ушбу товук кроссларини кичик паррандачилик хўжаликлари шароитида бройлер гўшти ишлаб чиқариш муҳум аҳамият касб этади.

Шу боисдан ушбу магистрлик диссертацияси Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Охалик қишлоқ фуқоролик йиғини паррандачилик кўрғони “Оригинал макс люкс” фермер хўжалигида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Кичик паррандачилик хўжаликлари шароитида истиқболли товук кроссларининг ҳаётчанлиги, гўшт маҳсулдорлиги ва иқтисодий кўрсаткичларини ўрганишдан иборат. Тадқиқотлар натижасида бройлер жўжалари сақлаш усуллари, ўстириш ва бўрдоқилашда маҳаллий озуқалардан фойдаланиб, тўлақийматли омехта ем рецептлари асосида озиқлантириш, ўстириш ва бўрдоқилаш муддатлари, жўжаларнинг сақланувчанлиги, ўсиш ва ривожланиши, бройлер жўжаларининг гўшт маҳсулдорлиги ва гўшт сифати ўрганилади.

Тадқиқотнинг вазифалари: Фермер, деҳқон ва аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари шароитида бройлер жўжаларини сақлаш усуллари, хўжаликда етиштирилган маҳаллий озуқалар асосида тўлақийматли озуқалар билан озиқлантиришни ташкил қилиш, экологик тоза парранда гўшти

етиштириш сирлари, тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш эвазига ишлаб чиқишга маъқул кроссга мансуб паррандаларни урчитишни тавсия этиш. Тадқиқотда “Сибиряк” ва “Росс” кроссига мансуб бройлер жўжаларини иқлим шароитларига мослашиши, жўжаларнинг сақлаш, ўсиш ва ривожланиши, бурдокиланиши бройлер жўжаларини даврлар бўйича озиқлантириш хусусиятлари, муддатлари, гўшт маҳсулдорлиги қиёслаб ўрганилган.

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, бизлар Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Охалик қишлоқ фуқоролик йиғини паррандачилик кўрғони “Оригинал макс люкс” фермер хўжалигида ҳамда “САМ СИФАТ.АГРО” хўжаликларида, “Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш” кафедрасида товукларни “Росс-308” ва “Сибиряк” кросслари билан тажриба ўтказилиб, қуйидаги муаммолар ўрганилди:

Тадқиқот натижалари бўйича 2 та мақола ва 1 та қўлланма чоп этилган. Диссертация кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотни бажариш шароити, объекти ва усуллари, тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси, иқтисодий самарадорлик, хулосалар ва ишлаб чиқаришга тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация бет компьютер матнидан иборат бўлиб, унда 10 та жадвал, 2 та схема ва расм бор.

Адабиётлар шарҳи.

Парранда маҳсулоти парҳез ҳисобланиб, таркибида тез ҳазмланувчи оксил, ёғ, витаминлар, минерал моддалар ва алмаштириб бўлмайдиган аминокислалар мавжуд бўлиб, инсон организмида 98-99 % ҳазмланади. Турли турдаги паррандаларни гўшт маҳсулоти ўзига хос кимёвий, морфологик таркибга эга бўлиб, нафақат сақлаш, асраш, зоти, линия ва кроссларига боғлиқ бўлиб қолган озиқлантириш ва берилаётган омехта ерни таркибига узвий боғлиқдир. Товуқ ва куркаларни гўшти нафақат парҳезлиги билан, уларни гўштини ранги оқ бўлиши, сўйим чиқимини юқори фойзда, ейиладиган қисми ейилмайдиган қисмига нисбатан 2:2,5:1 бўлиши билан фарқланади. Ейилмайдиган қисмларига нисбатан нима вазни 70% ва ундан кўп бўлиши, айнан кўкрак гўшти оқ рангда, ҳазмланувчи оксиллар бошқа турдаги паррандалар ўрдак, ғоз ва бошқа парранда гўшлари билан ўзгача фарқланади.

Паррандачиликнинг жадал усуллари кўллаш, янги-янги технологияларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, рентабеллик даражасини оширишга олиб келади. Айнан иқлимлаштирилган, парранда дурагайлари (кроссларидан) кенг миқёсда фойдаланиш, мувофиқлаштирилган линияларни чатиштириб, ота-оналик галасига нисбатан 12-22% юқори маҳсулдорликка эга бўлган дурагайлاردан фойдаланиш, бу эса паррандачиликда кўл келади.

Худудимиздаги бройлер гўшти етиштириш учун иқтисослаштирилган паррандачилик корхоналарида “Сибиряк”, “Смена-4”, “Росс-308” ва “Арбор-Айкрес” кроссларидан фойдаланилмоқда.

Дурагайлари тез ўсиш қобилиятига эга бўлиб, 50-60 кун ўстириш давомида, 1кг тирик вазн олиш учун 2,0-2,5 кг омехта ер сарфланади. Бу эса берилаётган ва маҳаллий озуқалардан серуни, сифатли тайёрлаш ва рационини таркибини тўлақийматли қилиб беришга боғлиқдир. Тўларационли омехта ер билан бройлер жўжаларини даврлар бўйича озиқлантириш муҳим ҳисобланади. Айнан парранда учун мос озуқалардан фойдаланиш, унинг

тўйимлигини ошириш, илмий асосланган ҳолда тўларационли қилиб бериш, бу эса нафақат ўсиши ривожланиши гўшт сифатига ҳам ижобий таъсир этади.

Бу борада махсус омихта ем тайёрлаш корхоналарини барпо этиш, маҳаллий озиқаларга қайта ишлов бериш, тўйимлигини ошириш, хорижий давлатларда ва ўзимизда тайёрланаётган премикслардан, соя, писта, кунжут каби чиқиндиларидан фойдаланиш, соҳани самарадорлигини оширишда қўл келади.

Лукенов В, Кобан М. (1990) ўтказилган тажрибаларидан хулоса қилиб, бройлер- дурагай жўжаларини махсус гўштбоп қилиб 60-70 кунлигигача, айрим ҳолларда 90 кунлигигача боқиш бу эса 3-3,5 кг тирик вазн олиш, бериладиган озиқаларни илмий асосланган ҳолда тўларационли қилиб бериш ўстириш давомида даврларга қатиятлик қилиш ўстириш муҳлатига ва андозаларга асосланиш муҳимдир.

Егорова А.В.(1998), гўштбоп паррандалар билан тажриба ўтказиб, тажрибада “Бройлер-6” кроссини 9-оталик шаклидаги “Смена” кроссини С₃;С₄ ; оналик шаклидаги линияларни 50 бошшдан уларнинг тирик вазни, тухумининг оғирлиги бўйича, бир хиллик коэффицентларини таққослаб ўрганганда, ҳар учала линияларни маҳсулдорлик кўрсаткичлари бир-бирига яқин бўлиши ,ва уларнинг орасидаги фарқ 1,5% бўлиши мумкин. Хулоса қилиб бу мос линияларни ўзаро чатиштириб, улардан дурагай жўжалар олиш, яъни уч линияли аутосекс кросслар ҳам олиш мумкинлигини таъкидлайди.

Котов И. (2002 й) тажрибаларига асосланиб, ” Big Dutchmon” фирмасида ишлаб чиқилган бройлер жўжаларини бўрдоқилашда қўлланиладиган мосламасидан фойдаланилганда бройлер жўжаларини 37 кунлигида ўртача кунлик ўсиши 48 гр, 1 кг тирик вазн олиш учун 1,72 кг озуқа сарфланиб, бройлер жўжаларини сақланувчанлиги 96,3 %, биринчи навли гўшт 94% га тенг бўлган. Худди шу мосламани Бердской паррандачилик, корхонасида қўллаб кўрилганда, 40 кунлик бройлер жўжаларини кунлик ўсиши 52 гр, 1 кг тирик вазн олишга 2,1 кг озуқа сарфланиб, сақланувчанлиги 95,7%, биринчи навли

гўшт 92% га тенг бўлган. Германия – немислар тамонидан яратилган КРМ-12, ЦБК мосламаларини қўллаб кўрилганда, парранда турар жойидан самарали фойдаланиш, чиқимга чиқариш 12% га, сувга бўлган талаб 5 мартага инкубациябоп тухумлар олиш миқдори ошган.

Пяткина А. Куляшбекова Ш. (2002) ПДЭ препаратини паррандалар маҳсулдорлигини физиологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш мақсадида 352 бош Смена – 2 кроссли бройлер жўжаларида бир кунликдан 32 кунлик ёши даврида тажриба ўтказган. 4 гуруҳда, ҳар бир гуруҳда 88 бош бўлиб, биринчи гуруҳга ПДЭ ни мускул тўқимасига укол қилиш йўли билан 3,5 мкл, иккинчи гуруҳга сув билан 1 кг тирик вазни ҳисобига 50 мкл, ҳар 48 соат давомида 3 гуруҳга озуқага қўшиб бериш билан берилган гуруҳлардаги бройлер жўжаларини тирик вазни 9,95% юқори бўлиб, қолган икки гуруҳдаги бройлер жўжаларининг тирик вазни 5,46 % дан ошган шу билан бирга 1 кг тирик вазн ҳисобига озуқа сарфи 5,59 ва 2,72% камайган. Хулоса қилиб, ПДЭ препаратини жўжаларни бир кеча-кундузлик даврида укол қилиш, бу организмда имунитетни кучайтириш ва марико касаллигини олдини олишда муҳим, озуқа харажатларини иқтисод қилишда ўринли ҳисобланади.

Кубаева С.А, Мусинов Я.Х. (1994). Бройлер жўжаларни қалин тўшамаларда ва катакли қафасларда сақлашнинг маҳсулдорликка таъсири ўрганилиб, бройлерларни катакларда боқилганда тирик вазни боқилганларга нисбатан юқори бўлиб 1306 гр, полда боқилганларда эса 1152 грни ташкил этган. Бу эса микроиклим кўрсаткичларни катакли биноларда яхши эканлигидан далолат беради. Тажрибадаги жўжаларни сақланувчанлиги катакли қафасда 92%, қалин тўшамада эса 90% ни, озуқа сарфи эса катакли қафасда 1 кг тирик вазн учун 2.95 кг, қалин тўшамаларда сақланганларда 3,08 кг ни ташкил этди. Хулоса қилиб, катакли қафасда бройлер жўжаларни ўстиришда микроиклим кўрсаткичига эътибор бериш, бу эса жўжаларни ўсишда ва маҳсулдорлигига ижобий таъсир қилади.

К.Х. Гуломов, А.Р.Согамонов (1994) ўрганилган гуруҳлардаги бройлер жўжаларининг ўсиши ва ривожланиши, сувнинг минерал таркибига боғлиқ холда, турлича бўлиб, иккинчи ва учинчи назорат гуруҳига нисбатан бройлер жўжаларининг тирик вазни 30 кунлик ёшида жинси бўйича ўртача 2,12 ва 2,26%, 56 кунлик ёшида эса 3,82 ва 4,13% кам бўлди. Бу тажрибада туз шаклида турли қуруқ моддаларга талаб даражасидан ортиқ бўлганида ушбу сувларнинг бройлер жўжаларининг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатишни кўрсатади. Ўсиш бирлигига озуқа сарфи ва бройлер жўжаларининг асралиш даражасига ҳам сувнинг минерал таркибига боғлиқ, турлича кўрсаткичга эга.

Садамов Н.Е. (2002). Мешловский бройлер паррандачилик корхонасида “Смена-2” кроссли бир кеча-кундуз наслдор бройлер жўжалари билан тажриба ўтказиб, тажрибада 250 бош бройлер жўжаларига Е ва С витаминлари бериш меъёри ва организмни резистентлиги ўрганилган. Барча гуруҳдаги бройлер жўжаларини анологик ва сақлаш, асраш шароитлари бир хил. 140 кун давомида 1 ва 2 гуруҳ рационни билан 50 мг С витамини, 4 гуруҳа 50 мг Е ва 50 мг С витамини, 5 гуруҳга 50 мг С ва 75 мг витаминлар 1кг омихта емига қўшиб берилган. Ёш бройлер жўжаларини озуқа рационни таркибига Е ва С витаминларини қўшиб бериш билан бир қаторда организмдаги тўқималар бир меъёрда ҳимоя қилиш таъсуротига салбий таъсир этган. Шу сабабли бу даврда Е витамин 25 мг, С витамини эса 50 мг 1 кг омихта емига қўшиб бериш кифоя .

Кошкин С. (2001), таъкидлашича, паррандаларни озиқлантиришда витаминли озиқалардан фойдаланиш муҳимдир. Бу борада тажрибалар ўтказилиб, бераётган витаминларни турига қараб, меъёр асосида ёғда эрийдиган А, Д₃ ва Е витаминларни балиқ ёғида эритиб бериш ёки техник ёғларда эритиш ва кислоталик даражаси 15⁰ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кундалик омихта ем миқдорига 1:4 ҳисобида ҳар 5 минутда қўшиб бериш, бу эса витаминларни паррандаларнинг ўзлаштиришида ижобий натижа беради. Гўшт-суяк унидан рацион таркибига 3 %, якунловчи даврда 2 % бериш кифоя.

Елизаров Е. (Қ.Х.Ф. доктори, “ППЗ” конкурснй 2002) таъкидлашича, замонавий товуқ кроссларини генетик имконияти бройлер жўжаларини 42 кунлигигача кунлик ўсиши 42-52 гр бўлиб, 1 кг ўсиши учун 1,9 -2,2 кг омихта ем сарфланади. Маҳсулдорлик кўрсаткичи сақлаш, асраш ва меъёрда озиқлантиришга боғлиқ. Бройлер жўжаларини жинсларга ажратиб ўстирилганда, бирга қўшиб ўстирилганга нисбатан 4,3-9,4% фарқланган. Бу эса хўрозларни тирик вазни макиёнларга нисбатан 2,7-2,9 фарқ қилиб, макиёнларда 7,3-9,9 %, 1 кг тирик вазнга озиқа сарфи 4,8% кам, аммо сақланувчанлиги макиёнларда 1,7-1,8 % юқори, 4,0-4,7 % биринчи навли гавдаси юқори бўлган. Бир кеча – кундузли жўжаларни жинсга ажратиш (хўрозчаларда елпиғич патлари тез ўсади) бўйича бройлер жўжаларини К-833 линиясида 98,5%, К-83 линияли бройлер жўжаларида 99% меҳнат унумдорлиги (2300-2400 бош). Гўштдор товуқларни К-генли линияли селекцияда қўллаш маъқул, бу эса жинсига ажратиб боқишда қўл келади.

Санцевич Б. (бош мутахассис ГК ”Содружество” 2002) ОАО.ИИ “Курганский бройлер” паррандачилик корхонасида “Арбор Айкрес”, АО “Баболна” (Венгрия) ушбу кросслар борасида илмий изланишлар ўтказиб, бу кроссларни генетик имконияти 42 кунда 2-2,1 кг озуқа, кунлик ўсиши 50г. Ўстириш давлари: бошланғич (предстартер) 0-7 кун, бошланғич (стартовый) 8-21 кун, (гроуэр) 22-28 кун, якунловчи 1(финиш) 29-42 кун, 2 финишер) 36-42 кун. Арбор-Айкрес кроссли бройлер жўжаларини сақлашда 5-8 см апилка, 1м² пол юзасида 14-16 бош, ҳар 1м² пол юзасидан 28-30 кг гўшт олишга мўлжалланган Арбор-Айкрес кроссли бройлер жўжаларини ўстиришда ҳаво намлигига сезгир бўлиши, қуруқ ҳавода шиллиқ пардаларни тез қуриши ва ўлишига ёки вазн олишга салбий таъсир этади. Сақлашнинг 10 кунлигигача нисбий намлик 70-75%, 11-42 кунлигида 50-60% меъёрда ҳисобланади.

Рошок М. (2001) Перли бройлер паррандачилик корхонасида кўп йиллик иш тажрибаларига асосланиб, бройлер жўжалари учун омихта ем тайёрлаш борасида корхонани шахсий заводини қайта такомиллаштириш натижасида ва

омихта ем таркибини бойитиш БМВД қўллаш билан 30 % емни арзон қилишга, бройлер жўжаларининг кунлик ўсишини 13 грдан 19 грча оширишга эришилган. Кейинги йилларда “Технекс” фирмаси БМВД ни қайта такомиллаштирилиши натижасида, бройлер жўжаларининг кунлик ўсиши 96 гр, 1 кг қўшимча тирик вазн олишга 2 кг омихта ем сарфланган ва корхона рентабеллигини 2,7 % га оширишга олиб келди.

Азимов С.Ғ, Азимов Д, Алимов Х, Ҳошимов Б. (2011й). (Ўзбекистон паррандачилик илмий маркази) Маълумотларига қараганда “Росс-308” гўштдор товуқ кроссининг оталик ва оналик шакллари жўжаларини ўстириш технологияси ва тажрибада олинган натижалар келтирилган. Ушбу кроссга хос бўлган генетик патенциали ишлаб чиқарилган омихта ем рецептлари асосида озиклантирилганда жўжаларнинг тирик вазни ва сақланиши юқори даражада намоён бўлган.

Раҳмонов Л.К. (2012) таъкидлашича ёш жўжалар товуқхонага келтиришдан олдин, жўжахонани 2 сутка ёки 48 соат олдин 33-35⁰ С қиздириш, бино ичи ҳавосининг нисбий намлиги мақбул ҳисобланган 60-70% да бўлиши, жўжаларнинг бемалол сув ича олишлари учун бино ичига қўшимча сувдонларни ўрнатиш, жўжалар бино ичига жойлаштирилган пайтда ичимлик суви ҳарорат жўжахона ҳарорати даражасида бўлиши лозим, акс ҳолда исътемол қилинган озуқалардан ҳосил бўлувчи энергиянинг бир қисми тана ҳароратини сақлаш ва сувни тана ҳарорати даражасигача иситиш учун сарфланади. Бир кунлик жўжаларнинг жойлашиш тиғизлиги меъёрда бўлиши, ҳаётининг дастлабки 7 кунда жўжахонага ўрнатилган кириш-чиқиш ҳаво туйниклари беркитилган, елвизакнинг олдини олиш учун шамоллаткичлар тўхтатилиши лозим ва ҳаётининг биринчи ҳафтасида жўжаларга таркибида 6% глюкоза ва 1г/л С витамин эритилган сув ичириш тавсия қилинади. Ҳаётининг дастлабки 3-4 кунда жўжалар учун оппоқ (30-50 люкс) ёруғлик берилиши мақсадга мувофиқдир.

Эрматов Ю.А, Эрматова Н.Ю, Бухариев Х, Ҳимматов К. (2001) WORLD-CONCERN ва Сам. Қ.Х.И, паррандачилик тажриба марказида Арбор-Айкрес бройлер жўжаларини қалин тўшамада ерда ўстиришда даврлар бўйича бериладиган омехта ем таркибини бойитиш мақсадида соя шротидан фойдаланиб, тажрибадаги бройлер жўжаларни ўстиришнинг 1 ва 2 ҳафталик ёшида назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни 8,4; 27,2 гр га кунлик ўсиш эса 1; 1,7 гр юқори бўлган. Кейинги ҳафталарда (4,5-6) назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидагилар 38,4 гр дан 144 гр га юқори бўлган.

Кебец А.П, Кебец К.М, Бочкаров В.Н. (2004) ларнинг таъкидлашича, тухум ва гўшт йўналишидаги товуклар ёшига кўра, умумий темир бирикмасига В₃ ва С витаминларини аралашмасидан тирик вазни ҳисобига 25,50,75 ва 100 мг/кг ҳисобида берилганда, назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги паррандаларнинг тирик вазни 7,2-15,2%, ҳар 10 дона тухумга эса 0,13-0,25 кг кам омехта ем сарфланган. Товукларнинг сақланувчанлиги назорат гуруҳида 98%, тажриба гуруҳида эса 100% бўлиб, тухум пўстлоғининг қалинлиги 338 дан 342-353 мкм, 1 гр тухум сариғидаги витамин “А” 6,3 дан 6,8- 7,5 мкг, каротин миқдори эса 19,1 дан 20,2-21% мкг.га ошган худди шундай тажрибалар иссиқ иқлим шароитида жойлашган Қора-Сув паррандачилик корхонасида 15 июлдан 15 августгача бўлган даврда ўтказилганда товук тухуми назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳидаги 10,9% кўп бўлиб, сақланувчанлиги 99,8% бўлган.

Вяйзенин Г.К, Вяйзенин Г.А, Токарь А.И, Беломестнов В.П, Шкурко Д.И, Севостьянова Н.Н, Евстигниева А. Р (2004) лар таъкидлашича, бройлер жўжаларини жадал ўстириш ва бўрдоқилашда доимий равишда гўшт таркибидаги оғир ва минерал микроэлементларни назорат қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Айнан 1,7 14, 21 ва 28 –кунлик ёшида, организмида оғир ва макро, микро элементлар миқдори кам учрайди. Ёшининг ўтиши билан магнитли теропил услубида оғир металсимон микроэлементларни қўллаш, бу

эса бройлер жўжаларини ўсиш тезлиги, тирик вазнининг ошириши билан қўрғошин, цинк, рух миқдорининг камайишига олиб келади.

Эрматов Ю.А. (2004), Истиқболли товуқларнинг “Арбор-Айкрес” кроссини сақлашда ва ўстиришда зоогигиеник меъёрларини яратиб бериш муҳимдир. Бройлер жўжаларини ўстиришда бино ичини 3,5 -5% хлороминнинг 1,2-2% хлор эритма билан зарарлантириш, 6-8см қалинликда самон, похол, ёғоч қириндиси, маўдаланган маккажўхори поясини тўшама сифатида фойдаланиш, 1м² ерда 8 бош ҳисобида сақлаш, 7-10 кунлик ёшида Ла-Сато препарати билан эмланади. “Арбор-Айкрес” кроссини бройлер жўжаларини сақлаш ва ўстириш, маҳаллий озиқалар билан озиқлантириб, бройлер гўшти ишлаб чиқариш борасида ўтказилган тажрибалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида бройлер жўжаларини сақланувчанлиги 94%, тажриба гуруҳида 97%, сўйим чиқими назорат гуруҳида 72,8%, тажриба гуруҳида 74,7%, 1 кг қўшимча тирик вазнига 2,8 кг омихта ем сарфланиб, рентабеллиги назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 2,8% га юқори бўлди. Кичик ва ўрта бизнес билан шуғилланувчи хўжаликларда маҳаллий озуқалардан фойдаланиб бройлер жўжаларини жадал ўстиришдан 20-25% гача қўшимча даромад олиш мумкин.

Эрматов Ю.А (2007), Истиқболли товуқларнинг “Арбор-Айкрес” ва “Сибиряк” кроссларини сақлашда ва ўстиришда зоогигиеник меъёрларни яратиб бериш муҳум омиллардан биридир. Ҳар иккала гуруҳдаги бройлер жўжалари учун бир меъёрда донли озиқалар ва премикс берилди. Ҳар иккала гуруҳдаги бройлер жўжаларига бир хил меъёрда омихта ем сарфланишига қарамай, 1 кг қўшимча тирик вазн олиш учун тажриба гуруҳидаги 2,4 кг, назорат гуруҳида 2,9 кг омихта ем сарфланди. 1кг омихта емнинг таннарни 398 сўм, 1 бош жўжа ҳаражати 3059:3537 сўм олинган соф фойда тажриба гуруҳида, назорат гуруҳига нисбатан 728 сўмга кўп, рентабеллик даражаси 11,0% га юқори бўлди. Фермер, деҳқон ва оила хўжаликларида жаҳон тан олган товуқларнинг “Арбор-Айкрес” ва “Сибиряк” кроссларидан фойдаланиш, бройлер гўшти ишлаб чиқариш самарали ҳисобланади.

Клетикова Л. Қайд этишича, пробиотик озуқа қўшимчаси *zacture*, сут ачитқи бактериялари; ачитқилар; ферментлар (амилаза, фитоza, бета-глюконоза, целюлаза, протаза, липаза); минерал моддалар (калций хлорид, натрий хлорид, магний сульфат, рух сульфати) лимон кислотаси декстроза, внил, тўлдирувчи (*Saccharomuceb cerevisiae*) ва Бифитрилак паррандаларнинг организмида модда алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади.

- оксиллар алмашинувини яхшилаиди, оксиллар захираларини ҳосил бўлишига олиб келади, қонда мочевина нисбатини камайтиради;

- фосфор –калций алмашинувини меъёрлаштиради;

- ичакларда сут ачитқи ва бифидо бактериялар кўпайишини таъминлайди.;

-озуқалар консерциясини оширади, паррандалар жадал ўсиб, ривожланади, бир хил паррандалар галаси шаклланиб, улар эртароқ тухумга киради.

Егоров И, ёзишича товуқлар рацион асосан ўсимлик озуқаларидан ташкил топса уларга 10- 15% лизин, метионин ва цистинни кўпайтириб бериш керак. Агар рационда маккажўхори нисбати камайтирилса унда тўйинмаган ёғ кислоталарни меъёрлаш керак бўлади. Паррандачиликда қиммат озуқалар маккажўхори ва буғдой ўрнига рапс, вика, сули, кунгабоқар ва нўхатдан фойдаланиш масалалари қўйилмоқда, бу ўринда ўсимликшунос олимлар билан ушбу донларни ҳазмланишини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Кузнецов С., Заболнов Л. маълумотлари бўйича тухум пўчоғининг ҳолати қалинлиги, структураси, тешикчалари сони, ранги кўп жиҳатдан товуқларнинг ейдиган озуқаларига боғлиқ бўлади. Озуқалар таркибида протеинни 15,0-15,5 % гача камайтириш, ўрни алмашмайдиган аминокислоталар нисбатини пасайишига нисбатан камроқ салбий таъсир кўрсатади.Хом протеин нисбати 1,5-2,0% камайганда пўчоқ 1,2-1,4% га, унинг қалинлиги 5-10% камаяди.

Шунинг учун рационларга 5-10% кўп метионин ва лизин қўшиб бериш керак. Тухум пўчоғининг сифатли бўлиши учун рационда 1 г калцийга 314-322 кДж энергия тўғри келгани маъқул.

Крюков В, Байковская Е. ёзишларича 5-6 кунлик жўжаларнинг ошқозонида трипсин ва химотрипсин 1 кунлик жўжаларникига нисбатан камроқ бўлади, у 10 кунликда юқори бўлади. Шунинг учун жўжанинг дастлабки кунлари оқсилларни парчаловчи ферментлар қўшиб бериш керак.

Жўжа ҳаётининг дастлабки кунлари озуқалар таркибидаги ёғларни чегараланган ҳолда сўриб олади, фақатгина 15-23 кунларга келиб юқори нуқтасига етади, липазанинг кучи 2 кунликдан 50 кунликкача 10 баравар ортади. Шу боисдан “Провими” фирмаси старт омихта емларига ёғларни хазмланишини яхшиловчи моддалар қўшади.

Азимов С.Г. нинг таъкидлашича – саноат асосида ихтисослаштирилган хўжаликлар ва фермаларда наслчилик ишларини намунали ва аниқ йўлга қўймай туриб паррандаларнинг маҳсулдорлигига жадал равишда ошириб бўлмайди. Бу паррандачиликнинг жадал ривожланишига, маҳсулдорлигининг ошиши ва маҳсулот таннархини камайишига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир.

Исломхўжаев С.С, Бобоев К.Л, Ғуломов К.Х. ларнинг таъкидлашича ёш паррандалар учун тузилган озуқа рационининг таркибидаги хазм қилувчи энергетик, хом протеин, клетчатка, минерал моддалар, витаминлар ва микроэлементлар озиқлантириш меъёрларига мос келиши керак. Уларнинг миқдори меъёрдагидан фарқ қилса, у вақтда ёш парранда ўсишдан орқада қолиб, маҳсулдорлиги пасайиб кетади.

Иоцюз Г.П, Старчиков Н.И.нинг маълумотларида ихтисослаштирилган паррандачилик хўжаликларида истеъмол учун тухум ишлаб чиқариш цехлари катакли батерияларда боқиш муҳум аҳамиятга эга. Сабаби 3-4 баробар кўп товукларни жойлаштириш ва 10-15% озуқаларни камайитириш, меҳнат унумдорлигини 6-7 мартага кўтариш мумкин.

Пьндак В, Саломатин Г. ёзишларича паррандаларга асосий озуқа бўлиб тўлақийматли омихта емлар ҳисобланади, улар янчилган бошоқли ва дуккакли донлар, оқсил қўшимчалар ва минерал билан бойитилган бўлиши керак. Омихта емларни оқсилли витаминли ва минерал қўшимчалар билан бойитиш уларнинг тўйимлилигини оширади.

Рьбина Е.В. ва бошқалар маҳаллий ҳайвонат озуқаларидан бири бўлиб Ўзбекистонда ипак курти ғумбаги ҳисобланади. ИҚҒ- ипак саноати чиқиндиси тўйимли моддаларга бой: оқсиллар, ёғлар ва углеводлар. ЎЗЧИТИ кимё лабораториясининг маълумотларига кўра унинг таркиби (%): сув -3,76 протеин-58,01 ёғ-22,38 АЭМ -11,45 кул-4,45 калций-0,58 фосфор-0,57.

Рьбина Е.В. ИҚҒ ни жўжалар ва товуклар рационда фойдаланган. Тенглаштирилган рациондаги қон унини (4,5-5%) ИҚҒ билан алмаштириш рационни яхши ейишини таъминлаган. ИҚҒ истеъмол қилган жўжалар 3 ойлигида назорат гуруҳидан оғирроқ вазнга эга бўлиб, товуклар кўпроқ тухум берган.

Алимоа Г.А, Рафиқов А.А. таъкидлашича экологик тоза парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш бу эса шу ҳудуднинг умумий экологик шарт-шароитларига боғлиқдир. Паррандалар учун нотрадицион озуқалардан микробиологик синтез маҳсулотлари (бактериал ва бижғутувчилар биомассаси) ҳисобланади. Кейинги йилларда қатор мамлакатларда бир хужжатларни углеводородли хом ашёда ўстириш урф бўлмоқда, бундай маҳсулотларга микробиологик синтез натижасида олинган- эприн, меприн, гаприн ва бошқалар киради.

Мицкевич Н.П. бройлерлари ўстиришда нотрадицион озуқалардан фойдаланган. Бройлер турли озуқалар аралашмаси билан озиқлантирилган: минерал озуқалар (диатомит, кулранг кўмир кули, цислитлар) – 6%, денгиз карами (ламинария) – 3%. Бундай озуқа қўшимчаларини бериш паррандаларнинг сақланувчанлигига ижобий таъсир этган, цисолит истеъмол қилган гуруҳда сақланувчанлик 100% ни ташкил этган.

Рокотенко Г.Г. жўжалар рационини углеводлар ва сув ўтлари уни билан бойитиб сақланувчанлик ва организмнинг резистентлигини оширган. Бундай озуқаларни қўшиб бериш жўжаларнинг сақланувчанлигини 25-9% га, тирик вазни 11% га етган.

Ўзбекистонда паррандаларни озиклантиришда пахта шротидан фойдаланиш қўшимча манба бўлиб ҳисобланади.

Пахта шроти таркибида 36-43% протеин бўлиб, аминокислаталар бўйича у фақат соя шротидан орқада қолади.

Пахта кунжараси ва шротини қишлоқ хўжалик хайвонлари ва паррандаларини озиклантиришда Ершова Е.М. ва бошқалар, Акмалхонов Ш.А., Карибаев К.К, Рьбина Е.В. лар фойдаланиш ҳақида бафуржа ёзганлар.

Хайвонлар ва паррандалар учун пахта шроти таркибидаги захарли модда госсиполнинг рухсат этилган меъёрлари бор.

Рьбина Е.В, Решетова Т, Конева Я. маълумотларига қараганда пахта шроти катакларда сақланган товукларда синаб кўрилган сифати оширилган ва оддий технологияда олинган шрот рационда 9% бўлган. Сифати яхшиланган товуклар оддий шрот истеъмол қилган товукларга нисбатан 5% кўп тухум берган. 9 ой давомида ҳар бош товукдан 13,5 дона (7,9%) кўп тухум олинган, сақланувчанлик 2,5% кўплайиб, бир хил миқдорда озуқалар сарфланган.

Абдурашидова Э.Н, Самигов Г.Ш. пахта шроти ва нзорат гуруҳида соя шротини тухум йўналишидаги паррандаларда синаб кўрганлар. Тажриба гуруҳида сақланувчанлик 2% га юқори бўлиб 94,7% ни, бир-бирлик вазн қўшишга озуқалар сарфи 4-5% га камайган.

Алиев И, Ильясов А. ва бошқалар бройлер рационини пахта шроти билан бойитганлар. Муаллифлар госсиполсиз суспензия ва оксилли изоляторлар олиш усули ишланиб, бу маҳсулотлар сут ачитқи ивитқилари билан ишланиб, 20-40°C да 6-18 соат сақланади. Ўстириш давомида сақланувчанлик 100%, 3 ойлик бройлер вазни 300 г га кўп бўлган.

Сметнев С.И. (1987) олиб борган тажрибаларига асосланиб таъкидлайдики паррандаларни ёши улғайган сари улардан олинаётган тухумларни оталаниш даражаси пасайиб боради. Олимларни фикрига кўра бу салбий жараёни олдини олиш учун хўрозларни ёки она товуқлар галасини ёшартириш зарур ва хўрозга беркитиладиган товуқлар сони меъёردа бўлишини тақоза қилади.

Паррандачилик соҳаси аҳолини дастурхонини сифатли маҳсулотлар (гўшт, тухум) билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Шу боисдан бу маҳсулотларни миқдorigа ва сифатига таъсир этувчи омиллар барча биологok ва зоотехния соҳасини олимларини назарини ўзига тортган.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва шу жумладан паррандаларни маҳсулдорлиги жуда кўп омилларга боғлиқ. Бу борада кўплаб олимлар амалиётда синаб кўриш ва изоҳи бўйича Павлов И.П. (1951); Имбс Б.Г. (1955); Попав И.С.(1957) Рубина Е.В.(1993); Шахнова Л.В.(1980); Азимов С.Г, Азимов Д.С. (1997) Panait М (1980) таъкидлашига кўра энг асосий озиқлантириш бўлиб ҳисобланади.

Паррандаларни такрорий ишлаб чиқарилишига ва шунингдек маҳсулдорлигига ҳамда уларнинг сифатига тўла қийматли озуқалар билан озиқлантирилиши таъсир этишини Абдурашидова Э.Н. Самигов Т.Ш (1992-1993), Азимов Д.С. (1997) олиб борган илмий ишларидан ҳам кўриш мумкин. Олимларнинг фикрига кўра паррандаларни тўла қийматли озуқалар билан озиқлантирилиши уларни ўсишига, ривожланишига, сақланувчанлигига ва етилувчанлигига, шунингдек уларни такрорий ишлаб чиқарилиши, маҳсулдорлиги ва маҳсулдорлик сифати ҳам шу омилларга боғлиқ. Озиқлантиришнинг акс холида паррандаларни ўсиш, ривожланишидан қолиб кетиши, кеч етилиши ва шунингдек маҳсулдорлигини пасайиши ҳамда уларни боқишига ва маҳсулот ишлаб чиқариши ҳаражатларини ошиб бориши исботланган.

Карибаев К.К. (1996) қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни озиклантириш юзасидан илмий ишларни олиб борган, натижаларига асосланиб таъкидлаганки чорва моллари ва паррандаларни озиклантириш даражасини юқори бўлиши уларни маҳсулдорлигига ва унинг шароити ҳамда озуқа харажатиغا ижобий таъсир кўрсатган. Ҳайвон ва паррандаларни озиклантириш даражаси паст бўлганда эса уларни маҳсулдорлиги камайган ва озуқа сарфи ошиб барганлигини исботлаган. Паррандаларни маҳсулдорлиги ва унинг сифати уларнинг ирсияти ва ҳаёт давомидаги хусусиятларига боғланган бўлиб ҳисобланади. Бунда ирсий кўрсаткич паррандаларнинг аجدодларидан (ота- она) ўз авлодларига маҳсулдорлигини ўтиши, ҳаёти эса уларни асраш, боқиш, урчитиш шароитлари билан ифодаланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки паррандаларни ҳаётий маҳсулдорлик ва ўзини такрорий ишлаб чиқариш сифати ўзгарувчан хусусиятдир ва уни янада такомиллаштириш имконлари мавжуд.

Бугунги кунда паррандачиликда юксак маҳсулдор ва сифатли наслдор ирсий манба тўпланган. Азимов С.Г ва Алимов Х.К (2001) фикрига кўра бу ирсий манбани нафақат сақлаб қолиш балки янги селекция усуллари қидириб уларни янада такомиллаштиришини амалиётга тадбиқ этилишини тақоза этади. Бинобарин бу масала жуда долзарб ва ҳар йилда барча қишлоқ хўжалик паррандаларини фойдали хўжалик кўрсаткичларини такомиллаштиришни талаб этади.

Кочин И.И. ва Рязанов И.Г. (2001) олиб борган ишлари ва эришилган натижаларига асосланиб таъкидлайдиларки бугунги кун паррандаларни ирсий имкониятларини ишга солиниши тахминан 70 фоизни ташкил этади.

Кровеч .Г. (1985), Дьяконов Е.Е, Фатеев В.Д, Чешекова Т.Е. (1988), Рогозинская В.Л. (1989), Злочевская К.В. (1989), Мяншаускас.Ч (1990), Kumarora J.R, (1990), Soukorpova Z. (1991), олиб борган тадқиқот ишларига асосланиб таъкидлайдиларки, паррандачиликни ривожлантириб боришда, янги

тизимларни, оилаларни ва шунингдек сифатли паррандаларни ва тапокротлардан фойдаланиш асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бу омиллар биргаликда паррандаларни маҳсулдорлиги озуқа турларига боғлиқ бўлиши жуда кўп олимларни олиб борган ишларида акс эттирилган (Агаева В.И. ва бошқалар- 1984, Егоров И.А.-1989, 1995, Арханов А.-1990).

Паррандаларни маҳсулдорлигини ошириш, такомиллаштириш ва шунингдек уларни сифатли озиқланиши билан боғлиқ муаммоларини ечишда Агеев В.Н (1982); Рубина Е.Н. (1976,1991,1993, 1997); Егоров И.А. (1989,1995) Архипов.А (1990); Околелова Т.М. (1990); Епишкявичус А.В. (1991): каби олимлар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Бунда завод омехта емларини бойитиш зарурлиги исботланган бўлиб турли маҳаллий оқсилга ва минерал компонентларга бой бўлган озуқалардан фойдаланиш тавсия этилган.

Рубина Е.В ва бошқалар (1992-1993) Раджабов У.Р. Умиров Р.Р. (1990) паррандачилик маҳсулотларини оширишда хўжаликларда завод омехта емини бойитиш зарур маҳаллий оқсилга бой ва минерал компонентлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашган ва ундан пахта шротидан фойдаланишдан тавсия этган. Пахта шроти паррандалар учун протеинга бой бўлган озуқа бўлиб ҳисобланади ва уни қўллаш омехта емнинг биологик жиҳатидан бошқа ўсимлик шроти ва ҳайвонлардан олинган озуқаларга нисбатан деярли даражада самаралидир.

Адабиёт маълумотларига кўра пахта шротини таркибида 36-43 % гача протеин бўлиб, фақатгина таркибида аминокислата сақлашлиги билан бир оз соядан фарқ қилади. Лекин пахта шроти паррандалар рационидан тўла қийматли оқсил манбаи бўлиб хизмат қилади. Олимлар томонидан қишлоқ хўжалиги паррандалари рационидан пахта шротидан унимли фойдаланиш устидан бир қанча илмий тадқиқот синовлари олиб борилган.

Долбенова Е.Ф. (1985), Квиткин В. (1983), лар ҳар хил технология асосида ишлаб чиқилган пахта шротининг озуқавий қийматини тухум ва бройлер жўжалари устида ўрганган. Бу тажрибадан шунини аниқлашдики

паррандаларни рацион пахта шроти билан бойитилиб сифати яхшиланган. Мувозанатлаштирилган рацион асосида боқилган жўжаларини (5 кунлик ёшидан бошлаб) парвариш қилганда жўжаларни 56 кунлик ёшида сақланиши 92,7-97,9 % ўртача тирик вазни 1375-1610 г, тирик вазини бир килограмм ўсиши учун сарфланган озуқа 2,68-2,4 кг назорат гуруҳида эса тегишли равишда 92,7-97,7%, 1235-1539 г ва 2,76-2,46 кг ташкил этганини исботлаган.

Бу борада Саидакбаров С. (1971) тамонидан олиб борилган иш эътиборга молик бўлиб ҳисобланади. Муаллиф бройлер жўжаларини рационига 15-20% пахта шротидан қўшиб берган. Бунда тажриба гуруҳидаги бройлер жўжалари 63 кунлик ёшида назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларидан ўсиш, ривожланиши озуқа сарфи бўйича устун келиши исботланган.

Алиева И, Ильясов А ва бошқалар (1990) сифати яхшиланган пахта шротини бройлерларда синаб кўрган ва яхши натижаларга эришган. Муаллифлар сифати яхшиланган пахта шротидан госсиполсизлантирилган ва оксил изоляти олиш усулини топишган.

Хошимов И, Тўйчиев Т. (1985) ларнинг таъкидлашича жўжаларнинг бир ойлик бўлганида қадар протеин ва энергияга талабчан шу боисдан уларга бериладиган омехта емнинг ҳар 100 grammi 20% протеин ва 280 ккал ёки 1173 кДж энергия бўлиши зарур. Озуқа таркибидаги протеин ва аминокислалар тўлиқ бўлишини таъминлаш учун емга 12-5% миқдорида кунжара ва шротлар, 4-7,5% балиқ уни, 2,5-5% гўшт суяк уни, 2-3% қуритилган сут зардоб, маккажўхори ва буғдой ёрмалари киритилиши лозим. Табиий ҳолдаги витаминлар билан бойитиш учун 2-3% миқдори гидролиз ачитқиси қўшилиши лозим. Шу даврда жўжаларнинг минерал моддаларга бўлган талаби асосан рационга киритилган озуқаларда бўладиган минерал элементлар ҳисобига қондирилишини таъкидлаган.

Ўзбекистон паррандачилик илмий маркази ходимлари ноъананавий озуқалардан фойдаланиб “Заславль-3” кроссида жўжалардан назорат ва

тажриба гуруҳлари тузилган. Ҳар бир гуруҳга 150 бош жўжа олиниб 150 кунлик ёшгача боқилган. (Азимов Д.С. 1997).

Назорат гуруҳи хўжалик рациони билан тажриба гуруҳи эса ишлаб чиқилган рацион билан боқилган. Натижалар шуни кўрсатдики, тажриба гуруҳи жўжаларини тирик вазни, сақланувчанлиги, 1 кг ўсишга кетган озуқа сарфи, назорат гуруҳидан 28,2%, 5,34%, 32,5% кўп бўлган. Демак, тажриба гуруҳига берилган рацион самарали экан.

Chappa V, Peter V. (1991). Чехисловакияда Кошице қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари физиологияси институти олимлари тамонидан бройлер жўжаларини озиклантириш учун уларнинг озуқасига ноанъанавий озуқа концентратларидан 5 хил турини қўшиб, унинг озуқавий қийматини 6 маротаба қўйилган тажриба асосида аниқлашган. Қайсики, баъзи озуқаларни тўлиқ ёки қисман соя шроти билан алмаштириб, жўжалар озуқасига қўшиб беришган. Концентратли озуқалар қуйидаги компонентлардан таркиб топган.

Тайёрланган ун (мука из мездори), гўшт- суяк кнн, эстрогинланган рапсли шрот, эстрогинланган кунгабоқар шроти, сульфатли ачитқилар, фибулин амуронат, маккажўхори глютенн, маккажўхори кунжараси, майдаланган маккажўхори, ўсимлик мойи ва d – лизиндан иборат. Бу ноанъанавий концентратларни тўлиқ қўшиш ёки қисман қўшиш бройлер жўжаларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмаган.

Hauptman J, Heger J, Lindner P, Machkova J. (1989). Чехсловакиялик бу олимлар Гирбо кросси бройлер жўжалари устида тадқиқот олиб боришиб таркибида аминокислата миқдори чекланган соя шроти киритилган рацион билан озиклантиришган. Биринчи тадқиқотда озуқа таркибида соя шроти кам бўлиб, метионин миқдори бир хилда ушлаб турилган озуқа билан боқилган, иккинчи тадқиқотда эса метионин ва лизин бир хил меъёردа ушлаб турилган. Иккала тажрибада ҳам шуни аниқлашганки, хом протеиннинг киритик миқдори 190 кг ни ташкил этган. Ушбу рационнинг 23 % ни соя шроти ташкил қилган.

Petricevic A, Kralik G, Komendanovik V.(1988) тажрибалари ҳам соя шротининг Гирбо кросси бройлер жўжаларида олиб боришган. Бунда хар хил рационлардан фойдаланишган ва гўштнинг кимёвий таркибини ўрганишган. Назорат гуруҳи жўжалари андоза асосидаги ўзида 22 ва 20% хом протеинни сақлаган озуқа билан боқилган. Тажриба гуруҳи жўжалари эса қайсики балик уни ўрнига соя шроти билан алмаштирилган озуқа билан ва қўшимча сифатида протеинни меъёрида бўлишлиги учун озуқага керакли 20,5 ва 18,5 метионин ва лизин қўшишган. Жўжаларни сўйиш 45 кундан сўнг амалга оширилган. Нимталанган гўштнинг ўртача оғирлиги 1200 г, сўйим чиқими тажриба гуруҳида 68,8 %, назорат гуруҳида эса 69,1 % ташкил қилган.

Horani F.G. (1988) қилган тадқиқотида паррандалар рационига соя мойи ва соя уни қўшиб, уни таъсирини ўрганган. Тадқиқотда бройлер жўжаларининг 42 кунлик ёшгача ёғи олинмаган соя уни бериб боққан. Озуқа сарфи 1,94 кг ни ташкил этган. Шу рационга соя мойи қўшганда озуқа сарфи 1,81 кг ни ташкил қилган.

Vest.Duvall (1988) ҳам рационга 10% қайта ишланмаган соя маҳсулотларидан қўшилган. Бройлерлар 57 кунлик ёшгача соянинг куруқ маҳсулотлари киритилган рацион билан боқилганда тирик вазни – 2940 г, таркибида мой бўлган соя маҳсулотлари билан боқилганда – 3590 г ни ташкил этган. Гуруҳлардаги озуқа сарфи қуйидагича бўлган. 2,02-2,00.

Демак таркибида ёғ бўлган соя маҳсулотлари бор рацион билан боқиш самарали эканлиги аниқланган.

Lazar J, Kovašova A, Muranska A, Kovas J. (1987) гўшт словга гибриди бройлер жўжаларидан 200 бошини саралаб олиб соя шроти ўрнига нўхат ишлатишган шу боис рацион таркибида органик ва ноорганик озуқа моддалар камайган, фақат Б.Э.М, лизин ва аргинин моддаларидан ташқари.

Нўхатни озуқавийлиги ўрганилган рацион таркибида соя шротини нўхат билан 75% алмаштирилгандагини жўжаларга бариладиган рационнинг

озуқавийлик қийматини паасайтириб юборади.Шунинг учун соя шротини рацион таркибида меъёридан кам бўлиши салбий таъсир этган.

Boushy A.R., Raternik R. (1989) Голландиянинг Вегиненген қишлоқ хўжалик университетининг олимлари пахта шротини жўжаларни ўсишига таъсирини ўрганишган. Бунинг учун улар гиброкросси бройлер жўжаларининг 936 та хўрозчаларидан 72 та катакли батареяларга жойлаштириб, соя шроти ўрнига пахта шротини озуқасига қўшиб, унинг жўжаларига ижобий ёки салбий таъсирини ўрганишган. Барча рационлар ўзининг аминокислата ва лизин сақлашлиги жиҳатидан бир-бири билан тенглаштирилган.

Рационларда пахта шроти миқдори оширилиб борилганда (0,8,16 ва 24 %) ҳафталик ёшида ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Таркибида 0, 196 ва 310 млн 1 эркин госсипол, озуқа терими ва ремикс бўлган 8,16 ва 24% ли пахта шротини ўз ичига олган рацион бўлган. Таркибида эркин госсипол кўп бўлган рацион эса салбий таъсир қилган. J.C.jr.Fuller, W.J.Owings, Fanslov (1988). Айова штатидаги қишлоқ хўжалик университетининг бу олимлари соя шротининг бройлер жўжаларига таъсирини ўрганишган. Соя шротининг намлиги (10%) жуда кам даража бўлиб, улар қайта ишланган.Тажриба учун 2 хил рацион тузишган. Рационларнинг бирига 0,5 % ва бошқа бирига 7, 68% соя мойи ва бир хил миқдорда липид қўшилган.Назорат қилиш мақсадида соя шроти ҳам қўшилган.

Адабиёт маълумотларидан келиб чиқиб қайд этамизки паррандаларни насли сифати, маҳсулдорлиги ва шунингдек ўзини такрорий тиклаб олиши олиб борилиши, зотларни такомиллаштирилиши ҳамда соҳадаги эришилган ютиқ ва тажрибалар шулар жумласидир. Лекин бу эришилган ютуқлар бугунги кун талаби бўлиб ҳисобланмоқда шунинг учун ирсий имкониятларини қидириб чиқиш давом эттирилиши тақоза этади. Шу боисдан асосий эътиборни генотип ва муҳитини бир-бири билан боғлиқлиги ўрганишни давом эттириш катта эътиборга моликдир.

Парранда ва унинг маҳсулдорлиги муҳит билан узвий боғланганлиги ва шунинг асосида ҳаёт кечиришини Ч.Дарвин (1951) ишлаоида ҳам кўринади.Кўп йиллар давомида олиб борган узвий боғланган ва этганки барча тирик организм ташқи муҳитга кўникиш учун улар ҳаракат қилади ва шунинг натижасида ўзгариб бориб ҳаёт кечиришини давом этади, кунига олмаганлар эса ҳаёт кечира олмай ўлиб кетади.

Шу назарияларни ҳаққонийлиги юқоридаги келтирилган адабиёт маълумотларидан ҳам кўринади ва асосий назариялардан бири бўлиб ҳисобланади.Бинобарин бу боғланувчилиги натижасидан бири бўлиб паррандалар, зотлар, йўналишлар вужудга келган ва натижасида турли инсон ҳаёти учун маҳсулотлар етказиб бермоқда. Бу жараён бугунги кунда ҳам бетохтов давом этмоқда, ишлаб чиқарилганда кенг фойдаланилаётган тухум, гўштдор, ва кўш маҳсулот берувчи парранда тизимлари ва кросслари бунинг яққол исботидир.

Рьбина Е.В., Арипжанов З.А, Мирзалиев Ю. (1992) Рьбина Е.В., Мирзалиев Ю., Имонқулова Н, Ангуров З.М. (1993) турли паррандаларни ривожланишини ва маҳсулдорлигини таҳлил қилиб исботлайдиларки бу кўрсаткичларига тўйимли озуқа рационларидан фойдаланиб бориш таъсир этган. Олимларни фикрига кўра яхши ва тўйимли рационлар асосида озиқлантирилган паррандалар яхши ўсиб, ривожланган ва серпушт бўлган ва аксинча сифқтсиз рацион бўйича озиқлантирилган паррандаларда бу хусусиятлар ёмон ёки паст бўлган.

Лесси Дж. (1982), Селен Э. (1984, 1989) каби олимларни фикрига кўра паррандаларни генотипи ва ташқи муҳит боғланувчанлик омиллари бўлиб, уларни турли шароитда ҳаёт кечириш даврида ўзига хос ҳулқ атворини намоён эта билиш деб ҳисобланади.

Ашуоров З.М. (1982) тамонидан 6 та гуруҳдаги Ўзбек бронза ва Ўзбек кулрангли ҳамда “Хидон ” СВ тизимини куркалари устида илмий ишлар олиб борилган ва ташқи муҳитни уларни ирсий хусусиятларини таъсирчанлиги

ўрганилган. Бу ишларни натижасидан келиб чиқиб таъкидланганки тирик вазн, гўштдорлиги бўйича “Хидон ” кроссини СВ тизимини генотипга мансуб паррандаларни ташқи муҳит билан боғланувчанлиги бир хил эмас.

Бу фикрни давомини ва исботини D.Bell (1988) тамонидан олиб борилган ишларидан ҳам кўришимиз мумкин. Муаллиф тадқиқот ишини 2 гуруҳ “Беткон-В-300” кроссига мансуб товуқларни устида олиб борган ва таъкидлайдики кенг катакли батареяларда боқилган паррандалар тор катакли батареяларда боқилган тенгқурларидан тухумдорлиги бўйича анча устунлик қилган. Муаллфни фикрига биноан бу уларни яхши микроиқлим шароити билан боғланган.

АҚШ, Япония, Германия, Канада каби паррандачилиги ривожланган мамлакатлари тажрибалари ва жахон фан ютуқлари шуни кўрсатадики бугунги кунда юқорида қайд этилган хусусиятлар фақат дурагай паррандаларда мужассамлашган шу боисдан уларни урчитилиши зарур. Бу борада Наумова П.А. (1987), Свиридова С. (1989), Дуюнова Р. Склярова Т. (1989), Тикин Х. (1990), Воронов В., Едришова В, Борсукова М.(1991) чет мамлакати тизим ва кроссларини келтириб урчитилиши мақсадида мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Бинобарин олимларни фикрига кўра бу паррандалар сифатли ирсий хусусиятга эга бўлиб юқори маҳсулдорлиги ҳамда маҳсулот етиштиришда кам харажатли (таннархи) бўлиши билан характерланади.

Жўраев Ф. (2004) “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш” ушбу дарсликда ишлаб ишлаб чиқариш воситаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, шунтнгдак қишлоқ хўжалигини асосий воситалари билан режалаштирилганда улар натура ва қиймат шаклида ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш жароёнида қатнашиш натижасида меҳнат қуроллари аста секин эскириб, моддий емирилиш натижасида ўзининг истимол қийматини йўқотиб боради.

Исмоилов А, Муртазаев О. ларнинг “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Тошкент “Молия” (2005), қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий

самарадорлиги кўп жиҳатдан уларни асосий даражада таминланмаслик маҳсулот миқдори ва меҳнат унумдорлиги кескин ўсишга ҳамда маҳсулот таннархи ошишига, такрор ишлаб чиқариш манбаларининг камайишига олиб келади. Шу билан бир қаторда асосий воситаларининг “ортиқчалиги” ва тўғри фойдаланмаслик уларни ўлик ҳолатда туришига, правард натижада ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини пасайтиришга олиб келади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини асосий ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланганлигини абсолют кўрсаткичи сифатида фондлар билан таъминланиш коэффицентидан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткич мавжуд меҳнат воситаларини уларнинг норматив истемолига нисбатан топилади.

Эргашев Р.Х. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти” Тошкент EXTREMUM PRES-2011, моддий-техника ресурсларидан қишлоқ хўжалигида замонавий, кимёвий воситаларни, самарали, экологик жиҳатдан фойдали ҳисобланган техникаларни, кимёвий воситаларни, технологияларни яратиш бўйича ўз фикрларини намоён этган.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалигини бошқа муҳим соҳалари қатори паррандачилик ҳам муҳим ўрин тутди. Айниқса қишлоқ хўжалик паррандачилигидан пархез тухум, парранда гўшти, енгил саноат учун хом-ашё сифати пат ва пар, дехқончилик учун зарур бўлган азотга бой маҳаллай гўнг олинади. Тухумнинг кимёвий таркиби, физикавий хусусиятлари ва тўйимлилиқ даражаси паррандаларни аввалом бор озуқасига боғлиқдир.

Турли турдаги паррандаларни гўшти ўзига хос сифатларга, тамларга ва хидларга эга. Товуқлар ва куркаларнинг гўшти пархезлик маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу паррандаларнинг озиқлантириш ва берилаётган озуқалар таркибига узвий боғлиқдир. Паррандаларни сўйиш чиқими 82-86%, ейиладиган ва ейилмайдиган қисмининг нисбати 2:2,5:1 ейиладиган тана қисмларига нисбатан ништа вазни 70% ни ташкил қилади. Товуқларни кўкрак

гўшти оқ рангда бўлиб, бу ўзининг ҳазм бўлиши ва ҳазм бўлувчи оқсилни икки марта кўплиги билан ўрдак, ғоз ва бошқа парранда гўшtidан фарқ қилади.

Паррандачиликни асосий йўналишини бирин кетин жадаллаштириш ва иқтисослаштириш ҳисобланиб, барча турдаги хўжаликда сермахсул паррандаларни урчитиш ҳисобига ва тўғри озиқлантириш, тўйимли озуқалар билан таъминлаш ҳисобига паррандалар маҳсулдорлигини ошириш ва бош сонини ошириш кўпайтириш. Жадал паррандачилик қисқа вақт давомида кўп, сифатли ва арзон маҳсулот манбаидир. Паррандалардан тез ва қисқа муддатда боқиб, улардан кўп бола олиш, сифатли гўшт олиш билан бошқа чорва хайвонларидан ажралиб туради. Бу соҳанинг аҳамияти шундаки тухум ва парранда гўшти пархезлик ва тўйимлилик жихатдан тенги йўқ маҳсулот ҳисобланиб, тез ва арзон етиштирилади.

Мирсаидов Б. таъкидлашича парранда соғломлиги ва маҳсулдорлиги озуқа таркибидаги минерал моддаларнинг миқдори ҳамда мувозанатига боғлиқ. Озуқа рациона 3 та макроэлемент: кальций, фосфор, натрий ва олти микроэлемент: марганец, рух, йод, темир, кобалт ва мис билан мувозанатлашган бўлиши лозим. Минерал моддаларнинг камлиги ёки ортиқчалиги паррандалар модда алмашинувлигини бузади. Парранда парваришlash ва озиқлантиришнинг янги технологияларидан фойдланиш биринчидан, паррандадан фойдаланиш ва маҳсулот олиш муддатини узайтиради: иккинчидан, озуқа тўйимлиги ва ҳазм бўлиш жараёнларини яхшилади; учинчидан, парранданинг маҳсулдорлигини ошириб маҳсулот сифатини яхшилади: тўртинчидан, паррандачилик самарадорлигини оширади.

Мирсаидов Б. ҳисоблайдики паррандачилик тармоғини ривожлантиришда иккита омилдан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчи омил, мавжуд паррандачилик фабрикаларини техник-технологик жихатдан модернизация қилиш, мавжуд салоҳиятдан, фойдаланилмай турган ички имкониятлардан кенг фойдаланиш бўлса, иккинчи омил, бу аҳолини паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ортиб

боришини ҳисобга олиб, томорқа хўжаликлари билан йирик паррандачилик фермалари ҳамда фермер хўжаликларини ўзаро кооперация асосида ҳамкорлик қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишдир. Иккинчи омилнинг авзаллик томонлари шундан иборатки, ушбу тадбир кўп капитал маблағ талаб этмайди, алоҳида паррандачилик иншоатларини қуриш лозим бўлмайди, паррандачилик бўйича алоҳида мутахассис керак эмас, чунки паррандачиликдан яхши хабари бор томорқа эгаси танлаб олинади ва ҳакоза.

Эрматов Ю.А. фикрича юртимизда парранда маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда парранда жўжаларини соғлом қилиб ўстириш, фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бунга сертухум, истиқболли товуқ кросслари жўжаларини белгиланган қоидаларга риоя қилиб парваришлаш орқали эришилади. Тухумдор товуқлар галасини яратишда “Ломанн-браун”, “Родонит”, “Кўнғир-хайсекс”, “Алату”, пархез гўшт етиштиришда “Арбор-Айкрес”, “Сибиряк”, “Росс”, “Смена-4” кроссларининг бошланғич линиялар жўжаларини ўстириш муҳимдир. Ёш жўжаларга кўшимча меъёрларда премикслар, витаминлар бериш зарур. Витаминлардан “чиктоник, оминовитал, рексвитал”, А, Д, Е ва В₁₂ витаминлар жўжаларни ёшига кўра тирик вазни ҳисобга олинган ҳолда сув ёки айрим витаминлар ёғда эритилиб омехта емларига аралаштирилиб берилади. Жўжаларнинг 2-хасталик ёшигача берилаётган омехта емининг бироз намлаб бериш, хомлашда сув, сут зардобидан фойдаланиш маъқул.

Маҳмудов М, Ортиқова Л. ларнинг ёзишича бир кунлик жўжанинг сифати инкубацияга қўйилган тухум сифатига боғлиқ, инкубацияга қўйилган тухум сифати эса ўз навбатида ота-она авлодни қандай парвариш қилинганлигига боғлиқ. Агар инкубацион тухум сифати етарли даражада бўлмаса, паррандани парваришлаш даврида озикланиш ва сақланиш шароитини яхшилашга қанчалик урунмайлик, барибир шу паррандадан маҳсулдорликнинг генетик салоҳиятини ололмаймиз. Шунинг учун биринчи галда қилинадиган иш бу, сифатли инкубацион тухум етиштиришдир.

2 боб. Тадқиқотнинг бажарилиш шароити ва услуби.

2.1. Тадқиқотнинг бажарилиш шароити.

Республикамиз ҳудудларига хорижий давлатлардан олиб келинаётган ва урчитилаётган паррандаларни тўғри сақлаш, ўстириш, иқлимлаштириш ва белгиланган озиқа турларидан, заҳираларидан фойдаланиб илмий асосланган ҳолда тўла қийматли омехта ем билан таъминлаш, озиқлантириш нафақат бош сонини сақлаб қолиш, қолаверса маҳсулдорлигини оширишга, сифатли андозалардаги маҳсулот олиш мумкин. бу борада паррандашунос олимлар, мутахассислар кўп йиллий изланишлари, тажрибаларида ўз изоҳини топган. С.И.Сметнев ва бошқа олимларнинг таъкидлашича, паррандаларни бош сонини сақлаб қолиш улардан андозалар асосида маҳсулотлар олишнинг йўлларида бири, юқори маҳсулдорликка эга бўлган зотлари, линиялари, кроссларидан фойдаланиш, иқлим ҳудудларига мослаштириш, шарт-шароитлар яратиш, зоотехния, ветеринария тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, паррандаларни ота-оналик галаларини меъёردа сақлаб, озиқлантириб оталанган тухум олиш, инкубациялаб соғлом жўжалар олиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Бройлер жўжаларини тўғри андозалар асосида сақлаш, ўстириш муддатлари, бўрдоқилаш даврларига қатъиян риоя қилиш, кунлик, ҳафталик тирик вазнининг ошишини назорат қилиш, омехта-ем рецептлари асосида озиқлантириш муҳимдир. Парранда гўшти ишлаб чиқариш саноат паррандачилик корхоналари зиммасига юклатилган, турли мулк шаклидаги паррандачилик хўжаликларида парранда гўшти ишлаб чиқариш, айнан фермер, фермер-деҳқон, ёрдамчи ва кичик бизнес хўжаликларида муаммо бўлиб келмоқда.

Юқорида зикр этилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда, ҳудудимизда анъанавий урчитилиб келинаётган ва хорижий давлатлардан олиб келинаётган истиқболли товуқ кроссларидан унумли фойдаланиб, замонавий технологиялар

асосида гўшт маҳсулоти ишлаб чиқишни усуллари топиш, жорий қилиш самарадорлигини ошириш давр талаби бўлмоқда.

Худудларимизда урчитилаётган ва хорижий давлатлардан олиб келинаётган истиқболли товук кроссларини фермер, фермер-деҳқон, ёрдамчи ва бизнес хўжаликларида сервис-таъминот бирлашмаларида иқлимлаштириш, сақлаш, ўстириш, бўрдоқилаш ва муддатлари, омихта – емлар тайёрлаш, захираларидан фойдаланиб рецепт-ларини белгилаш, замонавий витаминлар, премиксларни қўллаш, зоотехник ва ветеринария тадбирларни амалга ошириш йўллари ва самарадорлиги.

2.2. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объектлари.

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, бизлар Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Охалик қишлоқ фуқоролик йиғини паррандачилик кўрғони “Оригинал макс люкс” фермер хўжалигида ҳамда “САМ СИФАТ.АГРО” хўжаликларида, “Зоотехния, ҳайвонлар генетикаси ва урчитиш” кафедраси битирувчи талабалари иштирокида товукларни “Росс-308” ва “Сибиряк” кросслари билан тажриба ўтказилиб, қуйидаги муаммолар ўрганилди:

Истиқболли “Росс-308” ва “Сибиряк” кроссларини олиб келиш, барча зоогигиеник шароитлар яратиш, тажриба учун гуруҳларга ажратиш. Хар иккала товук кроссларига маҳаллий озукадан фойдаланган ҳолда ўстиришни давр бўйича омихта ем рецептини тузиш ва қўллаш. Тажриба ва назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларини сақлаш, ўстириш, озиклантириб, бўрдоқилашда даврлари бўйича кунлик, ҳафталик ўсиши, бўрдоқиланиш хусусиятлари, мухлатларини назорат қилиш. Тажрибалар асосида олинган маълумотларга математик ва статистик ишлов бериш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш.

“Охалик ломанн парранда” фирмаси ва Каттакўрғон бройлер паррандачилик корхонасидан олиб келинган бир кеча кундузли “Росс-308” ва “Сибиряк” кроссларини бройлер жўжалари билан ўтказилди. Тажриба гуруҳида

100 бош “Росс-308” кроссли бройлер жўжалари, назорат гуруҳида 100 бош “Сибиряк” кроссининг бройлер жўжалари.

Ҳар иккала гуруҳдаги бройлер жўжаларини ўстириш, бўрдоқилаш ва озиқлантиришда услубимизда кўрсатилган бўйича барча зоогигиеник меъёрлар яратилиб берилди.

1. Товуқ кроссларидан “Смена-4”, “Росс-308”, “Сибиряк”, “Арбор-Айкрес” (ва бошқа кросслар) олиб келиш, тажриба гуруҳларга ажратиш, сақлашни ҳар хил усулларида фойдаланиш, қўллаш, микроиклим шароитларни яратиб бериш.

2. Товуқ кросслари учун озиқа турларини танлаш, ярмалаш, озиқа захираларидан (витаминлар, премиклар) фойдаланиб омехта – ем тайёрлаш ва рецептлар асосида даврлар бўйича озиқлантириш.

3. Бошланғич (стортовий) даврда жўжалар учун иқлим шароитлар яратиш, ўсиш ва ривожланиши ўрганиш.

4. Яқунловчи (финиш) даврида иқлим – шароитлар яратиш, бўрдоқиланиш хусусиятлари, гўштбоп бўлиб етилиш давлари, омехта-емга бўлган талаби.

5. Бройлер жўжаларини ташиш, сўйишга тайёрлаш, сўйиш, қайта ишлов бериш, тирик вазни, сўйим вазни, сўйим чиқимини аниқлаш, совитиш ва муз хоналарда сақлаш, муддатлари ва самарадорлиги.

Бройлер жўжаларини ўстириш ва бўрдоқилашда энг аввало бир кунлик соғлом жўжаларни танлаб, олишга эътибор қилинади.

Одатда, соғлом жўжалар кўзлари чақнаб туради, яхши пар билан қопланган, сезгир, ҳаракатчан бўлади

Бройлер жўжалари сақланадиган хона икки кун олдин 3,5-5,0 % ли хлорамин ёки 1,2-2,0 % ли хлор эритмаси билан, исирикни туташ ийи билан дезинфекция қилинади. Жўжалар турар жойига 2-3 см қалинликда сўндирилган оҳак тўшалиб, устидан 6-8 см тўшама, (ёғоч қириндиси, сомон, похол, майдаланган маккажўҳози пояси, шоли қипиғи) каби солинади.

Жўжалар турар жойини 0,5 м баландликда картонли ДВП билан айлана клетка шаклига келтирилиб, 1 м кв пол юзаси ҳисобига аввало 18 бош, ўстириш ва бўрдоқлаш давомида 6-8 бошга камайтирилади. Бу усулда сақланганда жўжаларни бурчакда ғуж-ғуж бўлиб тўпланиши, иссиқлик, намлик, ёруғлик каби омиллардан сақлаган бўласиз. Мослаштирилган сувдонлар ва охурлардан фойдаланилди.

Жўжаларни биринчи ўн кунлигигача сувни қайнатиб, илиқ ҳолда, 6 л сувга 2 гр тетрациклин кукунини эритиб 3 кун давомида берилди. Озиқлантиришдан олдин камида 2 соат олдин суғорилиб сўнгра озиқлантирилди. Жўжаларни тўқ ёки оч бўлиши кўп ҳолларда ота оналик галасидан олинган насли тухумларни сифатига ва инкубациялаш жараёнларига боғлиқ. Одатда тухумдан чиққан жўжаларнинг аксарияти биринчи бор озуқа ахтара бошлайди, бу жўжаларнинг очлигидан далолат беради. Биринчи ўн кунликда жўжаларни озуқа хазм қилиш органлари тўлиқ шаклланмаган ва уларда мавжуд ҳар хил ёғ моддалари холос бўлиш мақсадида авваломбор илиқ сув берилади. Жўжалар учун тез хазмланувчи ярмаланган оксилга бой озуқалардан бериш керак. Акс ҳолда ҳазмланиши қийин бўлган, клечаткаси кўп кепак, қипиқли сули, арпа каби озиқалар берилмайди. Бундай озуқалар мускулли ошқозонда қотиб қолиб, ҳазмланмасдан жўжаларни нобуд бўлишига олиб келади.

Бройлер жўжаларини ўстиришнинг биринчи ўн кунлигида жуда эҳтиёткорлик талаб этди, маккажўхори, оқ жўхори, тарик, буғдой, ўсимлик ёғи, балиқ уни, суяк -гўшт уни, ёғи олинган сут, тухумларни қайнатиб бердик. Озиқлантириш икки даврга бўлиниб 1-3 ҳафталиккача, 4 ҳафталикдан сўйишгача; бройлер жўжалар рацион таркиби 60 % маккажўхори, 25% соя шроти, 10% буғдой кепаги, 2% суяк-гўшт уни, 3% премикс (JDA), 0.2 % ош тузи .Қўшимча равишда витаминлардан: чиктоник, аминовинал, рексвитал А, Д, Е ва В₁₂ ларни белгиланган кўрсатмалар асосида берилди.Бройлер жўжалари учун бериладиган озиқаларни хоҳлаганича ейиши имкониятига эга бўлди.

3 Боб. Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокамаси.

3.1 Бройлер жўжаларини сақлаш.

Бозор иқтисодиётига ўтишни қизғин бир пайтида мулкчиликни турли шакллари пайдо бўлиши, бу борада Президентимиз И.А. Каримов сидқидиллик билан олиб бораётган сиёсати, айнан “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айнан тўртки бўлмоқда. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга ошириб борилаётгани, аҳолига қўшимча ер майдонлари берилаётганлиги, шунингдек уларга давлат тамонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида парранда турлари кўпайишига, ички истеъмол бозорини парранда маҳсулотлари билан тўлдиришга имконият яратади. Айниқса фермер, деҳқон ва оила хўжаликларида товук бройлер жўжаларини ўстириш, парранда гўшти ишлаб чиқариш билан иқтисодий тамондан қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

Истиқболли товукларнинг “Росс-308” ва “Сибиряк” кроссларини сақлашда ва ўстиришда зоогигиеник меъёрларини яратиб бериш муҳим омиллардан биридир. Маҳаллий озуқалардан фойдаланиб омихта ем рецептлари тайёрлаш ва бройлер жўжаларини даврлар бўйича озиклантириб кунлик, ҳафталик ўсишини назорат қилиш, 1 кг қўшимча тирик вазнга омихта ем сарфи ва бўрдоқилаш муддатларига эътибор бериш зарур. Бройлер жўжаларини сақлашдан олдин бино ичини 3,5-5 % ли хлорамин, 1,2-2 % хлор эритмаси билан зарарсизлантириш, тўшама сифатида 6-8 см қалинликда сомон, похол, ёғоч қириндиси, майдаланган маккажўхори поясидан фойдаланиб, 1 м² ерда 8 бошдан сақлаш мақсадга мувофиқ.

Тажрибадаги бройлер жўжаларини 60 бошдан 2 гуруҳга ажратилиб, қалин тўшамали тўсиқли хонага жойлаштирилди. Бройлер жўжаларини ўстиришни 7 кунда Ла-Сато препарати билан эмланди. Зоогигиеник меъёрларини маҳсус ўлчагич асбоб-ускуналар кўрсаткичлари орқали

меъёрлаштириб бориш йўли билан ўрганилди ва ҳар иккала гуруҳдаги бройлер жўжаларини ўстиришда, бўдрқилаш ва озиклантиришда услибимизда кўрсатилган бўйича барча шарт-шороитлар яратилди.

Гўштдор парандалар галасини яратиш, наслдор тухумлар олиш, инкубациялаш, сифатли жўжалар етказиш, ўстириш ва парранда гўшти етиштиришда назарий асосларга ва ишлаб чиқариш амалиётларига ва янги технологияларни жорий қилиш алоҳида касб этади.

Бройлер жўжаларни бино ичида сақлашда суъний равишда барча шарт шароитлар илмий асосда яратилса, бу эса парранда гўшти ишлаб чиқаришда иш унумдорлигини ошиши билан бир қаторда ишлаб чиқарилаётган парранда гўштини таннарини пасайишига олиб келади.

Айниқса керакли меъёрда мўътадил иссиқлик хароратини, нисбий намлик, ёруғлик, бино ичида ҳаво ҳаракати каби микроиклимлар яратилса, таъминланиб борилса у ҳолда йил давомида бир текисда меъёрда маҳсулот олишга эришиш мумкин.

Бройлер жўжаларини ўстириш бир хил ёшдаги катта гуруҳларда хоналарнинг ер юзаси алмаштирилмайдиган қалин тўшамалар ва батареяли катаклар билан жихозланган хоналарда амалга оширилади. Катакларда бройлер жўжаларни ўстиришда ишлаб чиқариш хоналарини самарали ишлатилиши таъминланади.

Катакларда ўстирилганда хонанинг 1 кв м юзаси ҳисобига етиштирилган бройлер жўжалар гўшти миқдори уларни ерда ўстиргандагига нисбатан кўпроқдир.

Хоналарнинг 1 кв м юзаси ҳисобига бройлер гўшти етиштириш миқдорини аниқлаш учун жами ишлаб чиқарилган бройлер гўштининг миқдорини ўстириш цехидаги хоналарнинг ишлаб чиқариш юзасига бўлиш керак.

Бир йилда жами ишлаб чиқарилган бройлер жўжалари гўштининг миқдори уларнинг сўйишдан олдинги ўртача тирик вазнини бош сонига

кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бир йилда ўстирилган бройлер жўжалари бош сонининг миқдори шу паррандачилик корхонасининг ишлаб чиқариш қуввати ҳисобланади.

1-жадвал.

Бройлер жўжаларни турли усулларда ўстиришнинг технологик меъёрлари.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўстириш усуллари	
		Ерда, калин тўшамада	Катакли батареяларда
Жойлаштириш зичлиги			
Хонанинг 1 кв.м. юзасига	Бош	18	30-45
Катакларнинг 1 кв.м. юзасига	Бош	-	34,5
Ўстириш муддати	Ҳафта	9	8
Бош сонининг асралиши	%	95-97	95-98
Ўстиришнинг охиридаги тирик вазни	кг	1,5-1,6	1,4-1,6
Тирик вазнининг 1 кг ўсишига қилинган озиқ сарфи	кг	2,9	2,7
Хонанинг сиғдириш имконияти	минг бош	10,25	10,30
Профилактик танаффус	Ҳафта	2	2

Корхонада бройлер ўстириш цехининг умумий юзаси ҳар бир хона юзасининг қўшилмасидан ташкил топади. Агар ҳамма хоналарнинг умумий сонига кўпайтирилиб, корхонада бройлер жўжалари ўстириш учун хоналарнинг умумий юзаси аниқланади.

Бройлер жўжалари ўстириладиган батареяли катаклар ва турли катталиқдаги хоналарда уларнинг типи, бройлерни жойлаштириш зичлиги ҳамда ҳар бир парранда гуруҳининг катталигига қараб жойлаштирилади. Шунинг учун ҳар бир хонанинг юзаси унинг режадаги сиғдириш имкониятини 1 кв. м юзасида ўстиришга тўғри келадиган бройлерлар бош сонига бўлиш билан ҳисобланади. Бу охириги кўрсаткични аниқлашда катакларнинг катталиги, уларда жойлаштирилган жўжалар миқдори, батареяли катаклар

ярусларининг миқдори ва хона юзасида батареялар ҳамда йўлаклар эгалланган юзанинг нисбати кўзда тутилиши керак.

Агар бройлер жўжаларини асраш учун қайта жиҳозланган КБМ -2 батареяли катаклардан фойдаланиладиган бўлса, ҳар бир катакка 9 бош жўжа жойлаштирилади. Катакнинг юзаси 0,315 кв м лигида унинг 1 кв м га 28,6 бош бройлер жўжаси ($9:0,315= 28,6$) тўғри келади.

Бу батареяли катаклар 4 ярусли бўлгани сабабли улар билан жиҳозланган ҳонанинг 1кв м юзасида 4 баравар бройлер жўжаси кўп ўстирилиб, 114,4 бошни ташкил қилади.

1-схема.



Одатда бундай тибдаги батареяли катаклар остида хона юзасининг учдан бир қисмини эгаллайди, қолган юза эса ишчи йўлакларга ажратилади. Шундай қилиб, хона юзасининг 1 кв м да 38,1 ($114,4:3$) бош бройлер жўжасини

ўринлаштириш мумкин. Хонанинг сиғдириш имконияти 15000 бош бўлганида унинг майдони 400 кв м (15000:38,1) га тенг бўлади.

Бройлер гўшти ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги билан боғлиқ муҳим кўрсаткичлардан бири уларни ўстириш муддати ҳисобланади. Ёшининг ошиши билан бройлер жўжаларнинг ўсиш тезлиги пасайиб боради, шу билан бирга озиқ сарфини тирик вазининг ўсиши билан қоплаш ёмонлашади.

Шу сабабли бройлер саноотида гўшт йўналишида жўжалар ўстириш муддатини қисқартириш тенденцияси мавжуд.

Аммо сўйилиш ёшининг қисқартирилиши билан уларнинг сўйилишдан олдинги вазни ҳам камаёди .

Бройлер жўжаларини гўштга ўстиришда оптимал муддат хоналар ўлчов бирлигига энг кўп миқдорда гўшт ишлаб чиқариш билан ифодаланади ва бу кўрсаткич жуда муҳимдир. Жўжаларнинг дастлабки зичлиги бир хил бўлганда букўрсаткични ҳисобга олиш мумкин. Бу кўрсаткични ҳисоблашда бройлерларни ўстириш охиридаги жойлашиш зичлигидан ҳам фойдаланса бўлади. Бу ҳолда жойлашиш зичлиги бройлер жўжаларнинг хонанинг 1 кв м юзасида ўстирилган тирик вазни билан ифодаланади. Аммо бу икки усулдаги ҳисобнинг натижаси бир хил бўлмайди.

Турли муддатларда ўстиришда бройлер гўшти ишлаб чиқаришни юзаси бир хил бўлган хонада аниқлаш мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган зоогигиеник омиллар меъёр даражасида сақланмаса у ҳолда гўштдор паррандалардан белгиланган, мўлжалланган тирик вазн олишга эришилмайди. Агарда гўштдор паррандаларни сақлаш, асраш ва озиқлантириш жараёнида бино ичидаги микроклим белгиланган меъёрдан ўзгариб турса, ёки таъминланмаса у ҳолда нафақат ўсиш, ривожланишига, тирик вазни қолаверса ҳар хил касалликларга тез берилувчан, организмини химоя қилиши ва шунга ўхшаш заиф хислатлари пасайиб боради.

Шу жумладан гўштдор паррандалар ҳар хил таъсиротларга берилувчан бўлиб, уларда рефлексларни ҳосил қилиш муҳимдир. Бу эса иш

жароёнини тартибга сақлаш, ўз вақтида ишларни бажариш, озиқа бериш, охурларини тозалаш, дам олиш каби ишлар белгиланган графикда амалга оширилиши керак.

Фермер ва деҳқон хўжаликларда бройлер гўшти етказишда, бройлер жўжаларни ерда қалин тўшамаларда сақлашда бино ичидаги ва чироқ остида иссиқлик ҳароратини меъёردа сақлаш муҳимдир. Илмий нуқтайи назардан бройлер жўжаларини қалин тўшамаларда сақлашда бино ичида ҳаво-иссиқлик ҳарорати 24-26⁰с, чироқ остида эса сақлашнинг биринчи ҳафтасига 32-30⁰с бўлса, кейинги сақлаш даврларда ёши эътиборан ҳафтасига +2⁰ с камайтириб борилади. Нисбий намлик ўстиришнинг биринчи даврида, яъни бошланғич (стартовый) даврида 50-60 %, ўстириш ва бўрдоқилаш даврида 60-70 % бўлиши мақсадга мувофиқ. Ёруғлик эса ўстиришнинг бошланғич даврида 30-25 люкс, кейинги даврларда 25-20 люксда. Бу эса ёш бройлер жўжаларини ўстиришни бошланғич даврида нафақат турар жойида иссиқлик ҳароратини меъёрлаштиришда қолаверса, жўжаларни яхши озиклантиришда ва меъёридаги омихта ерни ейишни таъминлайди.

Парранда гўшти ишлаб чиқаришнинг тез ўсишида асосий сабаб маҳсулотга бўлган талабнинг барча мамлакатларда ўсишидир. Парранда гўштининг 1 кг қорамол гўштига нисбатан 3-3,5 марта ва чўчка гўштига нисбатан 2 марта арзон бўлиши билан барча парранда гўшти ўзининг парҳезлиги ва гўштининг таркибида ёғнинг кам бўлиши, ҳамда кам миқдорда холестеринга эга эканлиги билан боғлиқдир.

Гўштбоп паррандачиликнинг асосини бройлерлар ташкил қилиб, дунё мамлакатларида ишлаб чиқариладиган барча парранда гўштларининг 75% ни ташкил қилади. Гўштбоп паррандалар галасини яратиш, наслдор тухумлар олиш, инкубациялаш, сифатли жўжалар етказиш, ўстириш ва бўрдоқилашда илмий-фан ютуқлари, илғор иш тажрибалари, технологияларга амал қилиш зарур. Бройлер жўжаларини бино ичида сақлашда, сақлаш усуллариغا қатъиян риоя қилиш, барча шарт-шароитларни сунъий яратиш бу эса гўштбоп

жўжаларни меъёрда ўсиш, ривожланиши, парранда гўшти ишлаб чиқаришда иш унумдорлигини ошириш ва маҳсулот тан-наرخини пасайтиришга олиб келади. Бино ичида меъёрдаги иссиқлик ҳаракатини, намлик, ҳаво ҳаракати билан соф ҳавони, ёруғлик ва бошқа зоогигиеник кўрсаткичларни таъминлаш зарур. Бройлер жўжаларини сақлаш ва асраш жараёнида ҳар хил таъсуротлардан ҳоли қилиш, уларни маълум шартли рефлекслар ҳосил қилиш муҳимдир. Паррандалар ҳар хил таъсуротларга берилувчан бўлиб, бу айниқса, ёш жўжаларда тез аён бўлади ва маълум вақтгача ўзига кела олмай доимо қўрқинч ҳолда бўлади. Бу эса иш жараёнида, яъни иш тартибларининг бузилиши, белгиланган вақтда озиқлантирмаслик, озуқа бериш, охурларни тозалаш, механизмларнинг ишлаши, профилактик ишларни ўтказиш кабилардир. Юқорида кўрсатилган жараёнлар белгиланган муддатларда ўтказилса, у ҳолда паррандаларнинг хулқ-атвориға ижобий таъсир қилган бўласиз.

2- жадвал.

Ишларнинг турлари	Соат-дақиқа, вақти		
	Бошланиши	Тамом бўлиши	Давомийлиги
Ишга тайёргарлик кўриш	6 ³⁰	7 ⁰⁰	0-30
Эрталабки озуқани бериш ва қолган озуқани аниқлаш.	7 ⁰⁰	7 ²⁰	0-20
Кунлик озуқа бериш			
Давомийлиги	11 ⁰⁰	11 ¹⁰	0-10
Дам олиш	13 ⁰⁰	13 ¹⁰	0-10
	16 ⁰⁰	16 ¹⁰	0-10
	18 ⁰⁰	18 ¹⁰	0-10
	21 ⁰⁰	21 ¹⁰	0-10
	24 ⁰⁰	24 ²⁰	0-20
	24 ²⁰	7 ⁰⁰	0-7
Ҳар хил ишларни бажариш	15 ⁰⁰	17 ⁰⁰	0-2

Ушбу муаммолардан келиб чиқиб, бизлар Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Оҳалик қишлоқ фуқоролик йиғини паррандачилик кўрғони “Оригинал макс люкс” фермер хўжалигида ҳамда “САМ

СИФАТ.АГРО” хўжаликларида, кундалик иш тартибига тўлиқ риоя қилиб, жўжабоқарлар белгиланган вақтда бройлер жўжаларини озиқлантириш, сув бериш, жўжаларни саралаш, текшириш ва ўлганларини ажратиш, эмлаш каби ишларни ўз вақтида амалга оширдилар. Бройлер жўжаларини озиқлантириш бир кунда 3 марта амалга оширилиб, бу эса бир йўла кўп омихта ем берилиши сабаб бўлмоқда. Шу сабабли жўжалар охурдаги омихта ерни сочиб ташлаши натижасида кўп исрофгарчиликка йўл қўйилиб келинмоқда.

Тажриба марказидаги паррандаларни илмий асосланган паррандахоналарда сақлаш ва ўстириш жараёнида меъёردаги иқлим шароитларни яратиш муҳимдир. “Оригинал макс люкс” фермер хўжалигида ҳамда “САМ СИФАТ.АГРО” фирмасида бройлер жўжалари мослаштирилган биноларда ерда қалин тўшамада сақланади. Бройлер гўшти етказиш фирманинг энг долзарб муаммоларидан бирибўлиб ҳисобланади. Бино ичида совуқ кунларда ҳар бир кг тирик вазни ҳисобига 1,5 дан 1,8 м³ соф ҳаво бўлиши, ҳавони иссиқ кунларида эса 5,9 м³ соф ҳаво билан таъминланади. Бино ичидаги соф ҳаракати совуқ кунларда 0,3 м/сек, иссиқ кунларда 1,2 м/сек бўлиши керак.

Тажриба ўтказишда, бино ичидаги бройлер жўжалари сақланаётган жойларда иситиш сифатида газга мослаштирилган буржуйка ва электр токи чироқлардан фойдаланилди. Ҳаво иссиқлик ҳароратини, намлик ва ҳаво ҳаракатини психрометр, термометр ёрдамида бройлер жўжаларини сақлаш жойида, 40 см баландликда 4 жойга ўрнатилди. Термометр ва психрометр Август ёрдамида бино ичидаги ва бройлер жўжаларини сақлаш жойидаги иссиқлик, нисбий намлик кўрсаткичлари эрталаб, тушда ва кечқурунғиси маҳсус ишчи дафтарга ёзиб борилди. Термометрни қуруқ ва ҳўл кўрсаткичларини ўзаро фарқи билан аниқладик.

Ёруғлик эса бройлер жўжаларни сақлаш жойига суъний она шаклида ўрнатилган мосламада бройлер жўжаларини ўстиришнинг биринчи ўн кунлигида 300 Вт чироқлардан, ўстиришнинг кейинги ҳафталарида 150, 100 Вт (лампарлар) чироқлардан фойдаланилди. Ҳар бир кв/м бройлер жўжалари турар

жойга тушган нурни меъёрлаштириб бориш йўли билан, люксметр асбоби ёрдамида ёритиш давомийлиги деразадан тушган ёруғликни қўшиб, ҳисоблаш йўли билан аниқладик.

Бино ичида ва бройлер жўжалари турар жойидаги ҳаво ҳаракатини катотермометр асбоби ёрдамида аниқлаб берилди. Бино ичидаги ҳаво ҳаракатини бир меъёрда сақлаб туриш ва бино ичидаги ҳар хил захарли газлардан ҳолос бўлиш учун, махсус ҳаво сўргич мосламасидан фойдаландик.

Ҳар бир бош бройлер жўжалари учун 15 см² жой белгиланиб, 40 см баландликдаги айлана шаклдаги фанерли тўсиқлар ичига жойлаштирилди. Тўшама сифатида ёғоч қириндисидан фойдаланиб, 15 см қалинликда тўшадик. Тўшамаларни алмаштириб туриш, ифлосланишига кўра амалга оширилди.

Бройлер жўжаларини сақлаш жараёнида суъний ёруғликдан, иситиш сифатида аввалига 300 вт, сўнгра ёшини ўтиши билан 100, 75 вт ёритгич чироқларидан фойдаланиш.

Тажрибадаги бройлер жўжалари учун ҳар иккала гуруҳга қалин тўшамада сақлаш, бино ичида ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ҳаво алмаштириш, ёруғлик каби барча шарт-шароитлар бир хилда таъминланиб, тажриба амалга оширилди.

Тажрибадаги бройлер жўжаларини озиқлантиришда маҳаллий озуқалар тегирмонда бройлер жўжалари ёшига кўра ҳар хил ҳажмда майдаланиб, омехта емини таркибига соя шроти қўшиб бериш ҳисобига алмашинув энергияси ва хом протеинни меъёрлаштирилди.

Тажриба давомида олинган рақамли маълумотларга математик-статистик йўллар билан ишлов берилди. Тажриба охирида олинган рақамли далиллар асосида ҳулосалар қилиниб, кам таъминланган оилаларга йўл йўриқлар ва амалий ёрдамлар берилди.

Бройлер жўжаларини гўштбоп қилиб ўстиришда, бино ичидаги иқлим шароитлар белгиланган андозаларга асосланиб, меъёрда сақлаб туриш муҳимдир. Илмийва ишлаб чиқариш ютиқларига таянган ҳолда, бино ичидаги

ҳаво иссиқлик ҳароратини $24-26^{\circ}\text{C}$, жўжалар турар жойида, биринчи ўн кунликда $32-29^{\circ}\text{C}$, ўстиришнинг кейинги давларида ҳар ҳафтасига $+2^{\circ}\text{C}$ камайтириб, якунловчи (финиш) даврида $+18-20^{\circ}\text{C}$ ҳароратни сақлаш муҳимдир. Нисбий намлик жўжаларни ўстириш хонасида бошланғич (стартовый) даврида 50-60%, ўстиришнинг кейинги даврида 60-70%, бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ёруғлик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бройлер жўжаларини ўстиришнинг бошланғич даврида жўжалар турар жойида 30-25 люкс, кейинги даврларда эса 20-15 люкс бўлиши, бройлер жўжаларининг турар жойини ишитишда, озиклантиришда, ўсиш ва ривожланишида, ғуж-ғуж бўлиб бир-бирини босмаслик ва ҳар хил талофатларнинг олдини олишда қўл келади. Бино ичида узлуксиз соф ҳаво билан таъминлаб туриш, бройлер жўжаларининг ўсиш ва ривожланиши учун жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир кг тирик вазни ҳисобига, бино ташқарисидаги ҳавонинг совуқ кунлари $1,5-1,8\text{ м}^3$ соф ҳаво бўлиши, иссиқ кунларда эса $5,9\text{ м}^3$ соф ҳаво билан таъминлаб, бино ичида ҳаво ҳаракати совуқ кунларда $0,3\text{ м/сек}$, иссиқ кунларда эса $1,2\text{ м/сек}$ бўлиши керак.

Бизлар тажриба ўтказган бино, айнан бройлер жўжаларини ўстиришга мослаштирилган бўлиб, бино ичини иситиш умумий марказлаштирилган иситкичлар ёрдамида иситилади. Иситкич трубалар бино ичига 3 қатор қилиб ўрнатилган бўлиб, пол юзасидан 40 см баландликда бўлади.

Бройлер жўжаларни ўстиришнинг 1-3 ҳафталик ёшида иссиқлик ҳарорати $32-26^{\circ}\text{C}$ бўлиб, ўстиришнинг кейинги давларида $26-18^{\circ}\text{C}$, яъни $6-8^{\circ}\text{C}$ га камайтириб, нисбий намлик оширилади ва ёруғлик камайтиради 10: 15%, 10: 20 люксга.

3.Жадвал

Бройлер жўжаларини сақлаш ва ўстиришдаги зоогигиеник меъёрлар.

Бройлер жўжаларини хафталик ёши	К ў р с а т к и ч л а р				
	Иссиқлик харорати		Нисбий намлик,%	Ёруғлик, люкс	Бино ичида хаво харакати м/сек.
	Чирок остида	хонада			
1-хафта	32-30	26-24	40-50	30-35	00
2-хафта	30-28	24-22	40-50	30-35	01
3-хафта	28-26	22-20	50-60	30-35	01
4-хафта	26-22	20-20	50-60	30-25	02
5-хафта	20-18	20-18	60-70	25-20	02
6-хафта	20-18	20-18	65-75	20-15	02
7-хафта	20-18	20-18	65-75	20-15	02

Паррандачилик корхоналарида паррандаларни бош сонини ва олинаётган парранда гўшт маҳсулотини ошириш омилларидан бири, бу паррандаларни сақланувчанлиги оширишдан иборатдир.

Нафақат парранда жўжаларини,сақлаб қолиш, бош сонини ва гўшт маҳсулдорлигини кўпайтириш,қолаверса хўжаликни рентабеллигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Айниқса, янги барпо бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларида паррандаларни бош сонини сақлаб туриш, кўпайтиришда паррандаларни сақланувчанлигини ошириш муҳимдир.

Иссиқ иқлим шароитида урчитилаётган ва олиб келинаётган истиқболли товуқ кроссларини шароитимизга мослаштириш, иқлимлаштириш ва бош сонини сақлаб қолиш, сақланувчанлигини ошириш шу бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ушбу муаммолардан келиб чиққан ҳолда, бизлар бройлер жўжаларини сақлаш, асраш, ва ўстириш, озиклантириш жараёнида, бройлер жўжаларини сақланувчанлигига алоҳида эътибор берилди.Тажрибадаги бройлер

жўжаларини сақланувчанлигини юқори таъминлаш мақсадида барча зоогигиеникмеъёрий кўрсаткиларини меёрда сақлаб туришга ва таъминлашга шарт-шароитлар яратилди.

3.2. Бройлер жўжалари учун маҳаллий озиқалар тўлақийматли омихта ем тайёрлаш ва озиқлантириш.

Бройлер жўжаларини озиқлантириш тўла қийматли қуруқ омихта ем билан амалга оширилиб, улар озиқни ҳоҳлаганича ейиш имкониятига эга бўлишлари керак. Омихта емларнинг таркиби ва тўйимлилиги бройлер жўжаларнинг ўсиш даврига боғлиқ.

4.Жадвал.

Бройлер жўжаларини озиқлантириш меъёри, тула қийматли омихта ем вазнига % ҳисобида.

Кўрсаткичлар	Бройлерларнинг ёши, ҳафталик	
	4 гача	4 ва ундан юқори
100 г қуруқ озиқ ҳисобида: алмашинувчи қувват,КДЖ	1235	1298
Хом протеин	21	19
Хом клетчатка	5,0	5,0
Кальций	1,0	0,8
Фосфор	0,8	0,8
Натрий хлор	0,3	0,3
Лизин	1,05	0,95
Метионин+цистин	0,74	0,65
триптофан	0,20	0,18

Одатда бройлер жўжалар учун икки турдаги рацион: старт -1 кундан 4 ҳафталик ёшигача ва белгиланган вақтгача финиш-4 ҳафталик ёшидан сўйилишигача бўлган рацион қўлланилади.

Айрим ҳолларда дастлабки 5 кунлик ўсиш даври учун старт олди рационни ишлатилиб, бу рационга юқори сифатли енгил ҳазм бўлувчи озиқ моддалар (қуруқ сут,маккажўхори ва соя шроти, балиқ уни) киритилади.

Старт, бошланғич рацион 63-65% донли озиқалар,20-22% оқсилли ўсимлик озиқлар, 9-11% ҳайвонот озиқлар, 3-5% витаминли ва 1,0-1,5%

минерал озиқлардан иборат бўлади. Донли озиқларнинг энг қийматлиси маккажўхоридир. Оқсилли ўсимлик озиқлар сифатида соя шроти ишлатилади. Соя шротида дефицит ҳисобланган лизин аминакислотаси кўп миқдорда мавжуддир. Оқсилли ҳайвонот озиқлар сифатида балиқ уни, қуруқ сут ишлатилади. Омихта емлар рационада витамин А га бой бўлган ўтлардан тайёрланган витаминли ўт уни қўлланилади.

Витаминли ўт уни бройлер жўжалар рационага 3-5% миқдорида киритилади. Рацион таркибига киритиладиган минерал озиқлар 1% гача боради. Айрим ингредиентларнинг ўртача ва энг кўп миқдорларда бройлер жўжалар учун тайёрланадиган тўла қийматли омихта ем таркиби тахминан тухум йўналишидаги товук жўжалари учун тузилган омихта ем таркиби сингари бўлади. Бройлер жўжаларни турли ёшда озиқлантириш меъёри жадвалда келтирилган.

5.Жадвал

Бройлер учун тўла қийматли омихта емларга витаминларни қўшимча қилиш меъёри, 1 тонна омихта емга г ҳисобида.

Витамин	Бройлерларнинг ёши, ҳафталик	
	4 гача	4 ва ундан юкори
А (ретинол) млн иб	10	7
Д ₃ (холекальшиферол) млн, иб	1	1
Е (Д- альфатокоферол)	10	5
К ₃ (менадион)	2	1
В ₁ (миамин)	2	1
В ₂ (рибофлавин)	3	3
В ₃ (пантотен кислотаси)	15	10

Бройлерлар учун тузиладиган омихта ем рационининг 1 тоннасига қўшимча қилинадиган микроэлементлар миқдори уларни ўстириш даврига боғлиқ эмас. Шунга кўра микроэлементлар миқдори барча турдаги қишлоқ хўжалик парранда жўжалари учун бир хилдир. Аммо бройлер жўжалари учун

тузилган омихта емлар таркибидаги витаминлар миқдори уларни ўстириш даврларига қараб бир оз ўзгартирилади.

Рационнинг тўйимлиги алмашинадиган қувват ва хом оқсилнинг мавжудлигини аниқлашдан бошланади. Агар рацион қўшимчалари тўғри танланган бўлса, алмашинувчи қувват ва хом оқсил миқдори меъёрга тенг келади. Аммо амалда бу хилдаги тенгликни ҳосил қилиш мураккабдир. Одатда алмашинувчи қувват ва хом оқсилнинг миқдори уларни дастлабки ҳисоблангандаги меъёрга тенг келмайди. Шунга кўра рацион биринчи навбатда алмашинувчи қувват ва хом оқсил бўйича меъёрга тенглаштирилади.

6.Жадвал.

Турли ёшдаги бройлер жўжаларини ўстиришда уларнинг тирик вазни ва ўсишига қилинган озиқ сарфи.

Кўрсаткичлар	Ўстириш муддати, ҳафта					
	5	6	7	8	9	10
Сўйишга бўлган тирик вазни, кг	0,98	1,26	1,55	1,85	2,16	2,46
1 кг ўсиши учун қилинган озиқ сарфи, кг	1,77	1,89	2,0	2,10	2,21	2,32

Бройлер жўжаларини озиқлантиришда маҳаллий озиқалардан фойдаландик. Рационини тўла қийматлигини ошириш мақсадида соя шроти кўшиб бериш билан рационини алмашинув энергияси ва хом протеини меъёрлаштириб, тирик вазнини, кунлик ўсишини ошириш имкониятлари ўрганилди. Бройлер жўжаларини белгиланган рацион асосида омихта ем берилиб, ҳар иккала гуруҳдаги жўжаларга берилган омихта емни кунлик, ҳафталик, бошланғич даврда, якуний даврида ва тажриба жараёнида берилган емни миқдори ҳисоблаб борилди.

Бройлер жўжаларини озиқлантиришда маҳаллий донли озуқалар ва СДА премиксдан фойдаланиб, илмий асосланган тўларационли омихта ем билан бошланғич ва якунловчи давлари бўйича озиқлантирилди.

Бройлер жўжаларини озиқлантириш рациона (1-3 хафта)

Озиқа турлари	“Росс- 308” кросси	“Сибиряк” кросси
Маккажўхори	60	60
Соя шроти	25	25
Бугдой кепаги	10	10
Суяк-гўшт уни	2	2
Премикс	3	3
туз	01	01
Якунловчи давр (4-7)		
Маккажўхори	63	63
Соя шроти	25	25
Бугдой кепаги	10	10
Суяк-гўшт уни	1,0	1,0
Премикс	1,0	1,0
туз	0,2	0,2

Хар иккала гуруҳдаги бройлери жўжалари учун бир меъёрда донли озуқалар ва премикс берилди. Якунловчи, яъни бўрдоқилаш даврда маккажўхори 3% га оширилиб, суяк-гўшт уни 1%, премикс эса 2% га камайтирилди.

Паррандачилик корхоналарида, фермер, уй хўжаликларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига озиқани сарфи энг муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада ташкил этилаётган,мавжуд фермер, уй хўжаликларида паррандаларни ўстириш, тухум ва парранда гўшти олишда, олиб келинаётган омехта емларни сифати ва тўйимлик даражасини паст бўлиши маҳсулот бирлигига озиқани кўп сарфлашга олиб келмоқда. Айниқса маҳаллий озиқаларни тўйимли қиймати паст бўлиши, паррандаларни талабини қондира олмаслиги натижасида маҳсулот бирлигига озиқа сарфи кўп ва таннархини ошишига олиб келади. Маҳаллий озиқалардан кенг фойдаланиш, тўйимлигини ошириш ва паррандаларни турлари, маҳсулдорлик йўналишига қараб тўла рационли омехта емлар билан таъминлаш, бу нафақат

паррандани физиологик ҳолатини сақлаб туриш, қолаверса маҳсулотини ошириш ва сифатини яхшилашга имкон беради. Қўшимча озиқалардан гўшт - суяк уни, витаминли озиқалардан беда, йўнғичқа, кўкатли озиқалардан ва премикслардан фойдаланиш, соя шротидан кенг миқёсда меър асосида қўшиб бериш бу эса донли озиқалардан иқтисод қилиш имконини беради.

Тажрибадаги бройлер жўжалари учун берилган омихта емни таркибий қисмини махсус лабораториядан ўтказилиб, тўйимлик даражасига қараб қўшимча озиқалардан қўшиб тўларационли қилиб берилди. Бройлер жўжаларини озиқлантиришда берилган ва охурида қолган омихта емни тарозида ўлчаниб, кунлик, ҳафталик ва тажриба жараёнида истемол қилинган омихта емни ҳисоблаб бориш йўли билан ҳар бир кг тирик вазни учун сарфланган омихта ем миқдори аниқланди.

Тажриба жараёнида “Рост ” кроссли бройлер жўжаларини бир кг қўшимча тирик вазн олдиш учун 2,4 кг омихта ем сарфланиб, ”Сибирияк” кроссли бройлер жўжалари учун 1 кг тирик вазн олиш учун 2,9 кг омихта ем сарфланди. “Сибирияк” кроссли бройлер жўжаларига нисбатан “Рост” кроссли бройлер жўжаларига 0,5 кг кам омихта ем сарфланди.

3.3 Бройлер жўжаларини ўстириш ва бўрдоқилиш муддатлари.

Қишлоқ хўжалик паррандаларини ўсиш тезлигини ошиши эмбрионал даврдан кейин, яъни ҳаётини биринчи ва иккинчи ойларида энг юқори кўрсаткичга эгадир. Айниқса бу ҳолат паррандаларни жўжалик даврига хос бўлиб, уларнинг маҳсулдорлик йўналишига боғлиқдир.

Кисловский Д.А. (1947) ва Bell Д. (1988) нинг хайвонларни суякларининг ўзгарувчилигини ўрганиш маълумотларга асосланиб таъкидлаш жоиздирки, организм доимо ҳаракатда бўлиб сон ва сифат ўзгаришлари натижасида ўсади ва ривожланади.

Адабиётлардан олинган маълумотларга кўра ўсиш ва ривожланиш жараёнлари барча тирик организмга мос хусусияти бўлиб моддалар

алмашинуви ва уларни ўзгарилиши туфайли вужудга келади, шу боисдан ўсиш ва ривожланиш бир текис ўтмайди ва унда даврий ўзгаришларни кузатиш мумкин. Чунончи айрим даврларда организм жадал ўсиб ривожланади, айримларида эса сусайиб боради. Паррандаларда ўсиш ва ривожланиш тухумнинг ичида жўжа очгандан сўнгги даврларга бўлинади. Шу сабабли паррандаларда эмбрионал ўсиш ва ривожланиш даврини кузатиб бориш мукамал ва қийин, чунки тухумнинг ичидаги кечаётган биологик жараёнларни тўлиқ кўриб бўлмайди. Постэмбрионал даврни кузатиб бориш ва уни доимо назорат қилиб ўзгаришини ўрганиш бирмунча қулайликларга эга.

Организмларни ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари унинг ирсияти, ёши, ассимиляция ва диссимиляция муносабатларга ҳамда барча ташқи ва ички омилларга яқиндан боғлиқ бўлиши жуда кўп адабиёт маълумотларида исботланган. Лекин бу жараён ҳали ўз ниҳоясига етмаган, ўсиш ва ривожланишга салбий таъсир кўрсатадиган омиллар махсус тадқиқотларда ўзининг назарий асосининг изоҳини ҳали ҳам етарли даражада топмаган.

Ўсиш ва ривожланишда нотекислик кузатилади, бунда жадал ўсиш даврида ривожланиш хусусиятлари пасайиб қолади ва аксинча Семенов В.А.(1960); Третьяков И.Н, Крок Г.С. (1968), Кривошшин К.В, Злочэвская В.Н. (1990), Фисинин В.И, Тардатьян Г.А. (1991) олиб борган илмий ишларига асосланиб таъкидлайдики, товукларда эмбрионал даврида ўсиш сусаяди, постэмбрионал даврида эса бу жараённинг кечиши жадаллашиб боради, ривожланиши эса аксинча ўтади. Бу фикрларни исботини инкубацияга қўйилган тухумнинг ҳажмини пасайишидан ҳам кўриш мумкинки, бинобарин унинг дастлабки оғирлиги ўрта ҳисобда 54-56 г ни ташкил этади, ундан олинган жўжанинг тирик вазни эса 35-42 г ни ташкил этади. Олимларнинг фикрига кўра, янги организмда ҳаётий зарурий моддалар миқдори ўсишнинг дастлабки даврида доимо ортиб боради, сўнгги даврида эса аксинча, у моддалар камайиб боради ва ўсишини пасайтиради.

Федаров В.И. (1973) маълумотларига кўра, организмларнинг ўсиши ва ривожланиб бориши дифференция бўлиш жараёнлари билан боғланган. Олимнинг фикрига кўра, ўсиш ва ривожланиш йўналиши ҳамда шакли бир тамондатухумларни бўлиниш маҳсули бўлмиш муртак, иккинчи тамонлама эса унга кучли мухитнинг таъсири орқали ўтади ва доимо назорат қилинади.

Келтирилган маълумотларга асосланиб қайд этиш зарурки, ўсиш ва ривожланиш бир-бири билан узвий боғланган бўлиб сон ҳамда сифат ўзгаришларини вужудга келиши орқали намоён бўлади. Демак, ўсиш ва ривожланиш жараёнлари бир-биридан алоҳида ёки яширин холда ўтиши мумкин эмас ва бутун онтогенез даврида бу жараёнлар бир-бирига боғланган холда ўтади.

Юқорида келтирилган адабиёт маълумотларига кўра, кучли дефференция бўлиш натижасида ўсиш миқдори пасайиб боради, ривожланиши эса жадаллашади. Айримларида эса аксинча, жадал кечиши ёки иккаласининг ҳам пасайиб бориши кузатилади.

Тирик организмнинг ривожланиши ва ўсиб бориши даврий характерига эга бўлиб бир текис кечмайди, бинобарин паррандаларни тухумнинг уруғланиб, жўжа очиши, вояга етилиши, ишлаб чиқаришда такрорий ишлатилиши ва маҳсулот бериш каби айрим даврлардан иборат. Ўсиш ва ривожланиш ёш организмда (товуқларни дастлабки ёшида) жуда жадал ўтади ва уларнинг ёши улғайган сари бу жараёнларни кечиши пасайиб боради.

3.4. Бройлер жўжаларини кунлик ва мутлоқ ўсиши.

Адабиёт маълумотларига асосланиб таъкидлаш лозимки, ўсиш ва ривожланиш онтогинеziда доимий бўлиб хисобланади ва ёш товуқларда ўсиш тезлиги қариларникига нисбатан анча юқори ва жадал кечади (Ражабов М.-2003; Амдиев Ш, Халилов Э, Джасимов Ф, Коновалов А. (2003).

Паррандаларда ўсиш ва ривожланишни ўрганиш ва хисобга олиш жуда мухим аҳамиятга эга, бинобарин улар асосида барча тирик

организмларнинг озиқланиши, сақланиши, боқилиши, етилиши, соғломлиги доимий назорат қилиниб паррандаларни хўжалик ва наслдорлигини аниқлаш имконини беради ва ҳамда улардан ишлаб чиқаришда турли мақсадда фойдаланишни белгилайди.

Товуқларнинг ўсиши, ривожланишида озуқаланиш омилларнинг таъсир этиши ва асосий ўринни эгаллашини Агеев В.Н, Панков Ю.П. (1982), Егоров И.А.(1989-1995), Околелова Т.М. (1990), Епишкявичус А.В.(1991) тамонидан олиб борган илмий-тадқиқот ишларидан ҳам кўриш мумкин.

Рьбина Е.В, Арипжанов З.А, Мирзалиев Ю.(1992), Рьбина Е.В, Мирзалиев Ю., Имонкулова Н, Ашуров З.М. (1993) олиб борган тадқиқотларига асосланиб қайд этдики, паррандаларни ўсиш, ривожланиши ва маҳсулот бериши уларни тўйимли озиқ моддаларини исътемом қилиши билан боғланган. Олимларнинг фикрига кўра, яхши ва тўйимли рацион билан озиқлантирилган паррандаларни ўсиш ва ривожланиши жадал ўтган ва аксинча, озиқланиши ёмон бўлган паррандаларда бу жараёни ўтиши пасайган.

Бу борада Арьков А.А, Муртазаев Р.Н. (1991), Азимов С.Г, Азимов Д.С. (1997), Boushy A.R ва Rattrhir R (1989) олиб борган илмий ишлари эътиборга моликдир. Олимларнинг фикрига кўра, паррандалар озиқланиш шароитига ва ўзгаришига ўзини мажбурлаб боради ва натижада шароитга кўникиши, маҳсулот бериши, хулқ-атвори мақсадга мувофиқ холда кечади. Демак, барча тирик организмларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳаёт кечириши учун маълум шароитларини талаб этиши ва уларни ичида озиқлантириш шароитининг ўрни катта эканлиги яна бир бор исбатланган.

Дурагай паррандалар етилувчанлик, ўсиш ҳамда ривожланиш тезлиги жуда жадал кечади ва бир кг ўсиб боришга кам озуқа сарфланиши билан таърифланади.

Паррандачилик жадал соҳа бўлгани учун бугунги кунда барча тоифадаги хўжаликларда истиқбалли парранда зотлари, тизимлари ва кросслари билан ишлашни тақоза этади. Бу паррандалар юқори ҳаётчанлик, тез

етилувчанлик, ўсиш, ривожланиш тезлиги ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳамда тежамкорлиги билан характерланади ва сабабли фермерлар орасида эътиборга моликдир.

Ўтказилган тажрибалардан, илмий тадқиқот изланишлар ва амалиётда синаб кўрилган хўжалик маълумотларига кўра паррандаларни ўсиши, бошқа сут эмизувчи хайвонларга нисбатан юқори бўлиши исботлаб берилди. Шу сабабли паррандаларни турларига кўра, маҳсулдорлик йшнаилишига қараб ўстириш, улардан меъёрда махсулот олишга эришиш мумкин. Паррандаларни тирик вазни ва кунлик ўсиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу насл белгиларига узвий боғлиқ ҳолда бўлади. Шу сабабли ёш паррандаларда гуруҳлардаги жўжаларни ўсиш тезлиги аниқлаб борилса, акс ҳолда катта ёшдаги паррандаларда тирик вазни ошиш озиқа ҳаражатлари ва бошқа технологик таъсуротларда инобатга олган ҳолда аниқлаб борилади.

Паррандачиликда, айниқса саноат усулида сақланаётган гўштдор товуқ жўжалари галасини тирик вазнини назорат қилиб боришда бир қанча андозалар мавжуд бўлиб, ҳар бир линия, кросслар учун белгиланган андозалар асосида гўштдор товуқларни вазнини меъёрда сақлаб туриш муҳимдир.


8.Жадвал.

Бройлер жўжаларининг тирик вазни, (грамм).

Бройлер жўжаларининг ёши (кун)	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи			
	Тирик вазни	Кунлик ўсиш	Тирик вазни	Кунлик ўсиш	Кунлик ўсиш фарқи	Тирик вазни фарқи
1	41,6		41,6			
1-7	103,6	8,8	95,2	7,8	1,0	8,4
7-14	271,6	24,0	244,4	21,3	2,7	27,2
14-21	590,0	45,0	556,0	44,5	0,5	34,0
21-28	988,8	57,0	950,4	56,3	0,7	38,4
28-35	1428,0	62,7	1360,0	58,5	4,2	68,0
35-42	1920	70,0	1776,0	59,4	10,6	144
42-49	2360	62,9	2192	59,4	3,5	168

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тажрибадаги бройлер жўжаларининг ўстиришнинг биринчи ҳафтасида назорат гуруҳидаги бройлер жўжаларининг тирик вазнига нисбатан тажриба гуруҳи бройлер жўжаларидаги тирик вазн 11,6 гр.ни, кунлик ўсиши эса 1 гр, юқориликка эгаллиги яққол кўриниб турибди. Ўстиришнинг иккинчи ҳафтасида бу кўрсаткичларда бироз юқори кўрсаткичларни кўришимиз мумкин, яъни назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларида тирик вазн миқдори 27,2 гр.га, кунлик ўсиши эса 8,7 гр. юқориликка эга бўлган. Бройлер жўжаларини ўстиришнинг учунчи, тўртинчи ва бешинчи ҳафталикларидаги назорат гуруҳининг жўжаларига нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни 34,2 гр; 38,4 гр; ва 68,0 гр. га кўп бўлиб, кунлик ўсиш кўрсаткичлари эса 0,5 гр; 0,7 гр; ва 3,5 гр.га юқориликларини аниқлаб олдик. Лекин жўжаларни ўстиришнинг охириги ҳафталикларида, яъни якунловчи даврда тирик вазн ва кунлик ўсишда анча юқори натижаларга эришдик.яъни,назорат гуруҳидаги жўжаларга нисбатан тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг тирик вазни олтинчи ва еттинчи ҳафталикларида 144 гр; 168 гр. га, кунлик ўсиши эса 10,9 ва 3,5 гр. га юқори бўлди. Албатта, бундай яхши натижаларга эришиш учун жўжаларни тўла қийматли озиқалар билан озиқлантириб бориш мақсадга мувофиқ иш саналади. Шу ўринда ушбун таъкидлаб ўтиш лозимки, тажрибадаги “Арбор-Акресс” бройлер жўжаларини озиқлантиришда рацион таркибига соя шротини ўстиришнинг бошланғич даврида 30% гача қўшиб бериш ва кейинги бўрдокилаш-якуний даврларда ҳам соя шротини бериш фойизини кўпайтирилиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бройлер жўжаларини нисбий ўсиши,%



“Росс” кросси
“Сибиряк” кросси

Бройлер жўжаларини физиологик жиҳатидан етилиши.

Иссиқ иқлим ҳудудларидаги урчитилаётган бройлер жўжаларини физиологик жиҳатдан етилиши, бу амалиётда катта аҳамиятга эга. Физиологик жиҳатдан тез етилган бройлер жўжаларини маълум миқдорда тирик вазни ошишда ижобий таъсир кўрсатади.

Ўтказилган тажрибаларни натижаларига кўра, бройлер жўжаларини макиёнларига нисбатан хўрозларини кунлик ўсиши ва тирик вазни юқори бўлади. Бу эса оталик шаклида иштирок этган гўшт йўналишдаги наслдор хўрозга боғлиқ бўлиб, насл белгиларини ўтказа олишида.

Ўтказилган тажрибамиздаги бройлер жўжаларини физиологик жиҳатдан етилишини кузатиб, макиёнларига нисбатан, хўрозларини етилиши, кунлик ва

тирик вазни жиҳатдан 8-14% га юқори бўлиб, 0,3-0,8% гача озиқа кам сарфланди.

3.5. Бройлер жўжаларини гўшт маҳсулдорлиги.

Парранданинг гўшtdорлик сифати унинг тана тузилишидаги тегишли ўлчамларини ўлчаб, гўшт тўқималари ва терисини пайпаслаб кўздан кечириш ҳамда сўйилганда ва танасини анатомик ажратганда бир қатор кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Ёш парранданинг гўшtdорлик сифати, унинг тана ва тўш суяги ўсимтасининг узунлиги, кўкрагининг кенглиги, айланаси, чуқурлиги ва бурчаги ўлчамларини ўлчаш асосида тана тузилиши гўшtdорлигини шаклланиши, жадал ўсиши, нимтасининг вазни, танасининг истеъмол қилинадиган қисмларининг нисбати, нимтасининг категорияси ва гўштининг сифати бўйича аниқланади.

Турига қараб ёш паррандалар жуда тез ўсиш хусусиятига эга. Хаётининг дастлабки икки ойи мобайнида жўжанинг вазни тухумдан чиққандан кейинги тирик вазнидан бир неча марта ортади. Шундай экан, бройлер жўжаларининг тирик вазни 8 хафталик ёшида 40 мартадан ортиқ кўпаяди.

9.Жадвал.

Тажрибадаги бройлер жўжаларининг семизлигини аниқлаш тартиби.

Парранда тури	Семизлиги (паст кўрсаткичларда)
	Кўкрак гўшти тўқималари қониқарли ривожланган, тўш суягининг ўсимтаси билан бурчак ҳосил қилади. Тўш суягининг ўсимтаси ажралиб туради. Бройлерларнинг гўшт тўқималари қониқарли тараққий этган. Тўш суягининг ўсимтаси ажралиб туриши мумкин.

Бройлер жўжалар	Дум ости суякларининг охири енгил пайпасланади. Тери ости ёғ тўпламлари бўлмаслиги мумкин. Қорин ости қисмида тери ости ёғ тўпламлари сезиларли бўлмаслиги мумкин. Сон гўшт тўқималари қониқарли ривожланган, тери ости ёғ қатлами бўлмаслиги мумкин. Терисининг асоси очиқ гулоб рангида.
-----------------	--

Парранданинг гўшт маҳсулдорлиги унинг биргина наслига эмас, балки ўстириш ва озиқлантириш шароитларига ҳам боғлиқ бўлади. Гўшт ишлаб чиқаришда яхши самарадорликка дурагай жўжаларни ихтисослаштириб ўстириш асосида эришиш мумкин. Гўшт йўналишидаги жўжалар ҳаётининг биринчи 9-10 хафталигида жадал ўсади ва вазнининг ўсиш бирлиги ҳисобига кам озуқа сарфлайди. Паррандалар қанчалик эрта ёшида сўйилса, маҳсулот бирлиги шунчалик кам озуқа сарфланади. Аммо парранлани сўйиш мухлатини танлаш улар тирик вазнининг катталиги, сўйилгандан кейин нимтасининг ва гўштининг сифати ҳамда вазнининг ортиши бирлигига қилинган озуқа миқдорига қараб амалга оширилади.

Гўшт йўналишдаги паррандачиликда гўшт етиштиришни жадаллаштириш учун гўштга боқилган жўжалар қуйидаги мухлатларда: бройлер жўжалар 8-9 хафталик, курка жўжалари 10-16 ва 23 хафталик, ўрдак жўжалари 7-8 хафталик, ва ғоз жўжалари 9 хафталик ёшида сўйилади.

Паррандаларнинг сўйим чиқими сифатига суякларининг катталиги ва вазни сезиларли таъсир кўрсатади. Тана тузилишининг турли камчиликлари, масалан, қийшиқ тўш суяги ўсимтаси бошқа сабаблар билан бир қаторда сўйим чиқими сифатини пасайтириб юборади.

Паррандада кўкрак ва сон гўшти тўқималари яхши ривожланган. Кўкрак гўшт тўқималари парранда танасининг барча гўшт тўқималарининг

30-40% ини ташкил қилади. Гўшт йўналишидаги 8 хафталик жўжаларда кўкрак бурчагининг катталиги билан кўкрак гўштининг нисбий оғирлиги ўртасида ижобий ва жуда катта коррелятив боғланиш мавжудлиги аниқланди.

Паррандалар гўшти ўзига хос таъм ва хидга эга бўлиб, бу улар таркибидаги экстрактив моддаларнинг мавжудлигига боғлиқ. Парранда гўшти оксиллар таркибига кирувчи тўла қийматли аминокислаталар, минерал моддалар ва витаминларнинг бой манбаи ҳисобланади.

Парранда гўшти етиштиришда уларни сўйиш муҳим технологик жараён ҳисобланади. Сўйишда чиқадиган гўшт маҳсулоти сифати уни сақлаш муҳлатига боғлиқ. Сўйилиб тозаланган ва совутилган парранда нимталари семизлиги, тозалаш усули бўйича навларга ажратилди.

Парранданинг семизлиги гўшт ва ёғ тўқималарининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Сўйилган ва пати олинган парранда нимта деб аталади. Нимталарни ишлаш усулларига қараб, тозаланмаган, ярим тозаланган ва тозаланган нимталарга бўлинади. Тозаланмаган нимта деганда, ички органлари, боши ва оёқлари кесиб ташланмаган парранда танаси тушинилади. Ярим тозаланган парранда нимтаси деганда ичаклари олиб ташланган ва тозаланган парранда нимтаси деганда барча ички органлари, иккинчи бўйин умуртқасидан боши, оёқлари, товон ва бўғин юқорисидан кесилган, терисиз, бўйни кесиб ташланган парранда нимтаси тушинилади.

Паррандаларнинг гўшт чиқими уларнинг гўшт вазнини сўйишдан олдинги тирик вазнига бўлган нисбатига қараб фоиз ҳисобида белгиланади. Совутилган ярим тозаланган парранда нимтасининг тирик вазнига нисбатан чиқими тахминан тухум йўналишидаги жўжа зотларида 80,6%, бройлер жўжаларида 81,2%, куркаларда 81,7%, ўрдакларда 80,6% ва ғозларда 79,2% га тўғри келади. Сўйилгандаг сўнг гўшт тўқимаси чуқурлигида ҳарорат 25°C бўлса, бу гўштни минус 6°C дан паст бўлса, музлатилган гўшт деб юритилади.

Дастлаб ёш парранданинг тирик вазнини аниқлайдилар, ўлчамлари ва тана тузилишида гўшtdорлик шакллари қанчалик ривожланганлигини кўздан

кечириб (кўкрагининг энлилиги, тўш суяги ўсимтасининг узунлиги ва кўкраги билан сонининг гўшт тўқималари билан тўлганлиги) парранданинг гўшт маҳсулдорлигини белгилайдилар. Шундан кейин гўшtdорлик сифатлари яхши бўлган бройлер жўжаларидан тўрттаси танланади ва сўйилади. Сўйилган парранда нимтасининг пати қўл билан юлинади. Пати енгил юлиниши учун 54⁰С ҳароратга эга бўлган иссиқ сувга 30 секунд давомида солиб қўйилади. Пати юлинган парранда ичи тозаланмаган холда тарозида тортилади ва семизлиги аниқланади. Сўнгра қайчи ва пичоқлар билан парранда танаси анатомик қисмларга ажратилади. Дастлаб парранда териси шилинади, кейин қорин бўшлиғи очилади ва барча ички органлари ажратиб олинади, гўшт тўқималари турлари бўйича суяклардан ажратилади. Парранда нимтасини парчалаб, у тарозида тортилади ва ейиладиган ҳамда ейилмайдиган қисмларининг миқдори ва гўшт чиқими аниқланади.

Иқтисодий самарадорлик.

Республикамизни ҳудудларида жойлашган очиқ турдаги хиссадорлик паррандачилик жамиятларининг муҳим муаммоларидан бири, бу корхона шароитига мослашган, урчитилаётган ва бошқа ҳудудлардан олиб келинаётган истиқболли товук кроссларидан серуним фойдаланиш.

Олиб келинган тухумдор, истиқболли товук кроссларини иқлимлаштириш, барча зоогигиеник шарт-шароитларини яратиш, сақлашда ва маҳаллий озуқалардан фойдаланиб, тўларационли омихта ем билан таъминлашдир.

Бу эса товукларни тирик вазни сақлашда ва тухумдорлигини ошириш, сифати ва андозалар асосида тухум ишлаб чиқаришга олиб келади.

Тухумдор товук кроссларини сақлашда ишлатилаётган мосламалардан тартибда фойдаланиш, такомиллаштириш ва янги технологияларни жорий қилиб бориш, соҳани иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Мулкчиликни ҳар хил турларини пайдо бўлиши, соҳани акционерлик жамиятларига айлантирилиши, эркин ҳолда рақобатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши муносабати билан янги технологияларни кириб келиши ва истиқболли товук кроссларини олиб келиши паррандашунос мутахассислари олдида турган долзарб масаладир.

Олиб келинган тухумдор, истиқболли товук кроссларини тўларационли омихта ем билан озиқлантириш, тухум маҳсулдорлиги ошириш, андозалар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш, тан-нархини пасайтириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари ахтариб топиш, захираларини ўрганиш муҳимдир.

Халқ хўжалигини режа асосида бориши, жамият бозорларини кундан кунга ўсиб бораётган парранда маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга қаратилган. Бунинг учун ишлаб чиқаришни моддий техника

баъзасини яратиш ва уни рентабеллиги асосий шартлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Рентабеллик бу қишлоқ хўжалик ишларини кўрсатувчи умумий кўрсаткич бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг самарадорлигидан дарак беради. Рентабелликни ўсиши ишлаб чиқариш фондларидан авзалроқ самарани фойдаланганликдан ва маҳсулот тан-нархини пасайтиришдан далолат беради.

Фойда миқдорини кўпайиши ва рентабеллик нормасини ўсиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам ривожлантириш, иш хақи даражасини ўсиши, хар бир иш бажарувчининг моддий-маъиший талабларини қондиришни таъминлайди.

Режалаштиришнинг янгича шароитда моддий қизиқтиришнинг илғор усулларини жорий этишда рентабеллик кўрсаткичининг ахамияти янада ошади ва икки усулда аниқланади.

$$P_g = \frac{P_g - T_t}{T_t} * 100\% = \frac{C_g}{T_t} * 100\%$$

P_g – рентабеллик даражаси, % ҳисобида

P_g – маҳсулот сотишдан тушадиган пул

T_t – сотилган маҳсулотлар тўлаш таннари, сўм

C_g – маҳсулотларни сотишдан олинadиган соф даромад, сўм.

$$\Phi_n = \frac{C_g}{A_{\Phi_k} + a_{\Phi_k}} * 100\%$$

Φ_n – фойда нормаси

A_{Φ_k} - асосий фондларининг ўртача йиллик қиймати.

a_{Φ_k} - айланма воситаларнинг қиймати.

Биринчи формула рентабеллик алохида махсулотлар ёки айрим тармоқлар бўйича аниқланганда, иккинчиси эса умуман хўжалик бўйича аниқланганда ишлатилади.

Паррандачилик корхоналарида рентабеллик, соф даромадни сотилган махсулотлар тўла тан-нархига бўлган нисбатини фоизларда ифодаланиши билан аниқланади. Паррандачилик корхоналарининг асосий мақсади олинган фойда миқдорини мунтазам кўпайтиришга эришишидир, аммо ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга таъсир этувчи омиллар объекти ва субъектив бўлиши мумкин. Улар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, яхлит ҳолда ўрганиш мумкин. Яъни ялпи махсулот миқдори, товарлилик даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари, сотиладиган махсулот миқдори, 1000 дона тухумни таннархи, махсулот сифати, сотиш баҳоси, сотишдан олинган ялпи даромад, фойданинг умумий миқдори.

Бу омилларга риоя қилиш бозор иқтисодиёти ҳамда иқтисодий ислохат талаблари асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш шарт-шароитларини яратиб беради.

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги.

10.Жадвал.

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи, п-50 “Росс”	Назорат гуруҳи, п-50 “Сибиряк”
Бош сони, (та)	50	50
Сақланувчанлиги, %	94	83
Боқилган жўжаларнинг бош сони (та)	47	42
1 бош бройлер жўжасининг тирик вазни, г	2360	2192
Жами тирик вазни, кг	11,09	9,2
1 кг тирик вазни учун омихта ем	2,4	2,9

сарфи		
1 кг бройлер жўжасини сотиш нархи, сўм	7100	7900
1 кг бройлер гўштининг таннари, сўм	5300	6100
Жами харажат, минг, сўм	58777	56120
Ялпи даромад, минг сўм	78739	72680
Соф фойда, минг сўм	19962	16560
Рентабеллик даражаси, %	25,35	22,78

Жадвалдаги маълумотлардан бройлер жужаларини устириш ва бщрдокилаш муддатлари урганилиб, назорат гурухидаги бройлер жужаларига нисбатан тажриба гурухидаги бройлер жужаларини сакланувчанлиги 11% га юкори. Хаар иккала гурухдаги бройлер жужаларига омихта ем бир хилда сарфланишига карамай, 1 кг тирик вазни учун тажриба гурухида 2,4 кг, назорат гурухидаги бройлер жужаларига 2,9 кг, яъни назорат гурухига 0,5 кг куп омихта ем сарфланди.

Хар иккала гурухга жами харажатнинг куп булишига карамай, назорат гурухидаги бройлер жужаларига нисбатан тажриба гурухида юкори булиб 2657 сум . Олинган соф фойда эса, тажриба гурухида назорат гурухига нисбатан 3402 сумга куп булиб, рентабеллик даражаси эса 2,6 % га юкори булди.

Хулоса ва таклифлар.

1. Suomen Broiler Филландия фирмаси ва “Сибр” паррандачилик илмий тадқиқот институти компанияларининг бройлер жўжаларини сақлашда шу компанияларни тавсия этган андоза микроиклим курсаткичларини таъминлаш, махсулдорлик ва паррандалар соғлигига ижобий таъсир кўрсатди.

2. “САМ СИФАТ.АГРО” хўжалигида кичик омихта ем тайёрлаш бўлими бўлиб, озуқалар қайта ишланиб, тўлақийматли рационлар таркиби таминланмоқда. Ушбу омихта емлар таркибида иложи борича маҳаллий донлар, кепак қўшилиб, фақат рационини тенглаштриш учун шротлар, кепак ва премикслар қўшилмоқда. 1 кг қўшимча тирик вазн олиш учун 2-2,5 кг ем сарфланган, бу эса фирмани тавсияларига қисман мос келади.

3. Рационлар даврлар бўйича ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини инобатга олган ҳолда тузилиб, унга иложи борича арзон озиқалардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бройлер жўжалари рациондаги донлар энергия манбаи бўлиб, шротлар протеинга бой бўлиб, премикслар, аминокислоталар ва витаминларга бўлган талабини қондирган.

4. Хўжаликда бройлер жўжаларига барча шароитлар (тенглаштирилган тўлақийматли рационлар, керакли микроиклим) яратиб берилганлиги учун бройлер жўжаларининг сақланувчанлиги юқори бўлган. Назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 11% га юқори. Умуман олганда бройлер жўжаларини ўстириш давомида керакли ўстириш шароитларини яратиб берилса, ушбу кросслар паррандаларида юқори сақланувчанликга эришиш мумкин.

5. Бройлер жўжаларини ўсиш кўрсаткичи шундан далолат берадики, бир кунлик бройлер жўжаларининг вазнида фарқ бўлмай у даврлар бўйлаб ошиб борган яъни бошланғич (стартовый) даврида тажриба гуруҳида 8-45 граммгача, назорат гуруҳида 7,8-44,5 граммгача бўлса ҳар иккала гуруҳда фарқи 0,5-2,7 г гача тажриба гуруҳида юқори бўлган. Худди шу ҳол кейинги

якунловчи (финиш) даврида ҳам рўй бериб 0,7-10,6 г гача тажриба гуруҳида устинлик қилган. Бройлер жўжаларининг тирик вазни ушбу кросслари андозаси талабларига жавоб бериб, уларнинг тирик вазни тажриба гуруҳида (21-49 кун) 988,8 г дан 2360 г гача ошган бўлса, шу ҳол назорат гуруҳида 950,4 г дан 2192 г га ошган, назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида бройлер жўжаларининг тирик вазни 38,4 г дан 168 г гача ошган.

6. “Рост” ва “Сибиряк” товуқ кроссларига 1 кг қўшимча тирик вазн олиш учун тажриба гуруҳида 2,4 назорат гуруҳида 2,9 кг омихта ем сарфланиб бу эса назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 0,5 кг кам омихта ем сарфланган.

7. 1 кг бройлер гўштининг тан нархи тажриба гуруҳида 5300 сўмни ташкил этган бўлса назорат гуруҳида 6100 сўмни бу эса назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 800 сўмга кам бўлган.

8. Олинган ялпи даромад назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳида 6059 сўмга кўп бўлиб, рентабеллик даражаси эса 2,6 % га тажриба гуруҳидан юқори бўлган.

Ишлаб чиқаришга таклиф

1. Кичик паррандачилик корхоналарида омихта ем тайёрлаш цехларини ташкил этиб, маҳалий озиқалардан фойдаланган ҳолда бройлер жўжаларини тўла қийматли озиқаларини ташкил этиш.

2. Кросслар талаблари даражасида микроиклим ва тўлақийматли озиқлантириш шароитларини яратиб бериш имкони бўлган кичик паррандачилик хўжаликларида бройлер жўжа олиш имкониятларига қараб “Рост” ва “Сибиряк” товуқ кроссларидан фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т. “Ўзбекистон” 2003й.
2. Каримов И.А. Соғлом халқ соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади” Т. “Ўзбекистон” 2004й.
3. Каримов И.А. “Шахсий ёрдамчи, деҳқон фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари туғрисида” Т. “Ўзбекистон” 2006й
4. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент.
5. “Маънавият” 2008 й.
6. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари” Т. “Ўзбекистон” 2009й.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон конституцияси биз учун демократик тараққиёти йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир” маърузаси “Баркамол авлод йили” Т. “Ўзбекистон” 2009й
8. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Тошкент. Ўзбекистон 2011й.
9. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент. Ўзбекистон 2012й.
10. Абдурашидова Э.Н. Самигов Т.Ш. Рост и развитие цыплят и продуктивность курнесушек на рационах с хлопковым шротом разной технологии. Технология кормления с-х. Т.1992, с. 13-19 сб.
11. Агеев В.Н. Кормление сельскохозяйственных птиц М. 1982. 272
12. Азимов Д.С. Технология обогащения заводских кормов в птицеводческом хозяйстве Ж. Сельское хозяйство Узбекистана № 5 1997 (10-11)
13. Азимов С.Г. ”Паррандачиликда наслчилик ишлари”. Т.1980.

- 14.Азимов С.Ғ, Азимов Д, Алимов Х, Ҳошимов Б. Технология варашивания ремонтного молодняка мясноно кросса “Росс-308”. Зооветеринария, 2011 й 33-34.
- 15.Азимов С.Ғ ва Алимов Х.К “Селекция кур по микролинием кросса” “Узбекистан” Тезису докладов научной конференции.2001г.
- 16.Азимов Д.С. Технология обогщения заводских кормов в птицеводческом хозяйстве Ж. Сельское хозяйство Узбекистана № 5 1997 10-11
- 17.Акмалхонов Ш.А, Карибаев К.К, Рьбина Е.В.Резераь кормового белка в условиях Узбекистана.Ж.Аграрная наука, № 4, 1993, с.23-24.
- 18.Алиева И, Ильясов А.Т ва бошқалар Хлопковый шрот для бройлеров.Ж. ”Птицеводство”, Москва, № 11, 1990, с. 14-16.
- 19.Алимоа Г.А, Рафиқов А.А.”Экологик хатолар сабаблари” Тошкент, 1991 й 20-21 б.
- 20.Амдиев Ш, Халилов Э, Джасимов Ф, Коновалов А Экстерьерные особенности и линейный рост цыплят яичных кроссов. Науч. Тр. Первой республиканской конференции студентов магистратуры по направлению сельское хозяйство (2003 16-17 май).Т. 2003
- 21.Арьков А.А, Муртазаев Р.Н. “Эффективность комбикорма использованием нетрадиционных кормов при откорме цыплят бройлеров” Н. “Птицеводство” № 2 1991.
- 22.Архипов.А Белково- минеральное корма для кур-несушек с нетрадиционными кормами Ж. “Птицеводство” № 12 1990.
- 23.Ашуров З.М. “Генетические параметру при совершенствовании Узбекских каловух с бронзовух индеек”. В кн “Прогрессивнее приему селекции, содержания и кормления сельскохозяйственной птицу”. Сб. Тр. УЗНИИЖ, Ташкент 1982, с 25-34
- 24.Воронов В., Едришова В, Борсукова М. Работаем с кроссом “Гибро” Ж. “Птицеводство” № 8 1991 с-6-7

25. Вязенин Г.К, Вязенин Г.А, Токарь А.И, Беломестнов В.П, Шкурко Д.И, Севостьянова Н.Н, Евстигниева А. Р “Новое в промышленном производстве экологически чистого мяса бройлеров” Журнал зоотехния №2 (2004)
26. Дуюнова Р.Г, Складорова Т.Я. Вусокопродуктивнуй кросс индеек Москва “ААгропромиздат” 1989, с 34-3
27. Дьяконов Е.Е, Фатеев В.Д, Чешекова Т.Е.Использования гетерогенной популяции кур киргизской породной группа для создания новух селекцированных линий. Интенсификация основной путь развития животноводства в Киргизии. Тез. Дис. Науч. Кнф Фрунзе 1988, с 70-74.
28. Егоров И.А Эффективное использование корма Ж. “Птицеводство” № 11 1995. 14-15 с
29. Егорова А.В. “Пути улучшение качество яиц” Журнал Птицеводство 1998 г № 7
30. Егоров И. Научные аспекты питания птиц. Ж.Птицеводство, М. № 1, 2002. с. 18-21.
31. Егоров И.А. Рекомендации по использованию хлопкового шрота в кормлении с-х птиц.-Загорск,1989, с. 8.
32. Егаров И.А. Применение рапсового шрота в рационах цыплят-бройлеров. Вопрось повышения эффективности кормления с-х-птиц.-Загорск, 1989. с. 11-12.
33. Елизаров Е. “Исползование маркерного гена-к. В работе с мясными курами.” Животноводство России. 2002 г №11.стр 18.
34. Епишкявичус А.В. Замен стандартного комбикорма для курнесушек нетродиционными кормами “Птицеводство” № 5 1991. (5)
35. Ершова Е.М. ва бошқалар, Содержание жира в рационах коров в зависимости от уровня жира и фосфотидов в хлопковых кормах и шротах. 19-21 декабря, 1967, Тошкент, с.33-35.

36. Жўраев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”.-Тошкент: Истиқлол 2004й
- 37.Злочевская К.В. Новое высокопродуктивное кроссу яичных кур. В. Кн “Эффективность технологии производства продуктов птицеводства” М, 1989, с 15-19.
- 38.Иоцюз Г.П, Старчиков Н.И., Птицеводство. Агропомиздат М, 1989 г.
39. Исломхўжаев С.С, Бобоев К.Л “Паррандачиликдан амалий машғулотлар”.Т. Ўзбекистон нашриёти, 1996, 78-79 б.
- 40.Исмоилов А, Муртазаев О. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти”, дарслик, Тошкент “Молия” нашриёти, 2005й
- 41.Карибаев К.К. Қишлоқ хўжалик хайвонларини тўла қийматли ем-хашак билан озиклантириш ва озукаларни тайёрлаш ҳамда сақлаш технологияси. Т. 1996й.
- 42.Кебец А.П, Кебец К.М, Бочкаров В.Н “Применение комплексного соединения железа с витаминными В₃ и С, Е птицеводстве.Журнал “Зоотехния” № 11. 2004.
- 43.Кисловский Д.А. Разведение сельское хозяйственные животных М. 1947. 73-84 с
- 44.Клетикова Л. Изменение белково-минерального обмена в организме птиц. Ж.Птицеводство, М. № 7, 2009. с. 29-30.
- 45.Котов И. “Комплекты оборудования для бройлеров” Животноводство России. 2002 г №10.
- 46.Кочин И.И. ва Рязанов И.Г. “Принципу генетической стабильности в птицеводстве. Генетические и физиологическая основа повушения продуктивности сельскохозяйственных животных” Тр.ВСХИЗО вуп 157 2001г с 116-124.
- 47.Кровеч Г.И. Скрехивание как один из селекционных признаков генетического улучшения линий корни Б-6 (7) кон. Молод. Уч и осп по птицеводству Тез. Док. ВНИТИП, Загорск 1985 с 18-20

- 48.Кошкин С “Витаминные смеси готовы тщательно” Птицеводство М, Колос 2001 г № 1 стр 26-27.
- 49.Кривошшин К.В, Злочевская В.Н. Инкубация Агропрогиздат. М. 1990.
- 50.Крюков В, Байковская Е. Стартовых рационы для птиц. Ж.Птицеводство, М. № 3, 2002. с. 25-26.
- 51.Кузнецов С., Заболнов Л. Качество скорлупы яиц. Ж.Птицеводство, М. № 2, 2002. с. 39-40.
- 52.Кубаева С.А, Мусинов Я.Х. Бройлерларни ўсишга сақлаш усулларининг таъсири. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш омиллари. Профессор ва ўқитувчилар аспирантлар 52-илмий конференцияси. Самарқанд 1994.
- 53.Лесси Дж. Изменчивость признаков уживотных. В кн. “Генетические основы селекции сельскохозяйственных животных” М. 1982 с 110-126.
- 54.Лукенов В, Кобан М. “Продление откорма бройлеров” Ж.”Птицеводство”, 1990
- 55.Маҳмудов М, Ортиқова Л. Товуқлар парвариши. “Зооветеринария” журнали 2009 й № 2. 47-48 б.
- 56.Мицкевич Н.П. Использование нетрадиционных кормов в птицеводств. Р.Ж.Птицеводство, М. № 7 1991, с. 9.
- 57.Мирсаидов Б. Паррандачиликда янги технологиялар. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2011 № 6. 31 б.
- 58.Мирсаидов Б. Паррандачиликни ривожлантириш истиқболлари. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2011 № 1. 28 б.
- 59.Наумова П.А “Совершенствование линии кур яичных кроссов” Пер науч произ опут в птицеводство Ж № 9 Загорек 1987 с 4-18
- 60.Околелова Т.М. Кормление сельскохозяйственных птиц. М. 1990. 111
- 61.Пьндас В, Саломатин Г. “Кормоцех для хозяйства”. Ж.Птицеводство, М. № 3 1998, с. 35.

- 62.Пяткина А, Куляшбекова Ш. "Чтобы цыплта росли бистри"
Животноводство России 2002 г стр 29.
- 63.Ражабов М Весовой рост цыплат кросса Ломанн Браун и Беларусь-9.
Тез.док. междурадной научно-производственной конференции 23-25
апреля ТошДАУ. 2003 178-179 с
- 64.Раҳмонов Л.К. Паррандаларни асраш ва озиклантириш технологиясининг
ўзига хосликлари. Зооветеринария, 2012 й № 2. 32-34. б
- 65.Рошок М. "Внедрим ресурсо сберегочия технологии" Ж.Птицеводство,
№ 1 2001 г стр 23-25.
- 66.Рокотенко Г.Г. Повышение сохранности и резистентности организма
цыплят при обогащении рациона углеводами и кормовой мукой из
водорослей. Р.Ж.Птицеводство, М.№ 2 1986, с. 8.
- 67.Ръбина Е.В., Арипжанов З.А, Мирзалиев Ю. Хлопковый шрот рационных
бройлеров. Ж. "Птицеводство" № 9 1992 12-13.
- 68.Ръбина Е.В, Мирзалиев Ю., Имонкулова Н, Ангуров З.М. Пахта
шротиниг сифатли қисми озика манбаи Тр. УзНИИЖ "Петиповышения
продуктивности животноводства " Тошкент 1993 113-115.
- 69.Рубина Е.В ва бошқалар Временные наставления по использованию
куколки тутового шелкопряда в кормлении с-х птиц Ташкент,1992.
- 70.Рубина Е.В ва бошқалар Пахта шротининг сифатли қисми озика
манбаи.Тр. УЗНИИЖ "Пути повышения продуктивности
животноводство".Т, 1993
- 71.Ръбина Е.В, Решетова Т, Конева Я. Хлопковый шрот улечшенный в
кормлении кур-несушек. Инф. Листок о передовом производственном
опыте УНИИНТИ. Тошкент, 1982.
- 72.Ръбина Е.В. ва бошқалар Рекомендации по использованию хлопковых
шротов в рационах с-х. Птиц в качестве источника растительного белка.
Т,1968, с.4.

- 73.Ръбина Е.В, Мирзалиев Ю., Имонкулова Н, Ашуров З.М. Пахта шротининг сифатли қисми озиқа манбаи Тр. УзНИИЖ “Пути повышения продуктивности животноводства” Т. 1993. 113-115
- 74.Ръбина Е.В, Арипжанов З.А, Мирзалиев Ю. Хлопковый шрот в рационах бройлеров. Ж. (1992), “Птицеводство” № 9 1992. 12-13 с
- 75.Садамов Н.Е. “Резистентность молодняка кур при различной концентрации витаминов Е и С в рационе” Беларуская Госудорственная сельско-хазяйствeнная академия. Журнал “Зоотехния” 2002 г.№9 стр. 22
- 76.Санцевич Б. “Не у дешевлеет корма а получать от них максисальную прибыль” Животноводство России 2002 г №11 стр 32-33.
- 77.Свиридова С.Н. Вусокопродуктивнue кроссу и линии яичнux кур. Москва 1989
- 78.Семенов В.А. Рост и развитие сельскохозяйственние животнх курс М. 1960 141-69.
- 79.64. Селен Э. Некоторуе вопросу селекции мясных кур. Ж Птицеводство №6 1984 с 25-26.
- 80.Селен Э. Оценка птицу сучетом условий внешней среду. Ж. ”Птицеводство” №1 1989 с 29-30.
- 81.Сметнев С.И. “Птицеводство” Москва “Колос” 1987
- 82.Тикин Х. ”Ломен Браун аклиматизируется” Ж. Птицеводство № 6 1990 с 16-19
- 83.Федаров В.И. Рост, развитие и продуктивность животных Изд-во “Колос” М. 1973
- 84.Шахнова Л.В. Методъ и приемъ племенной работу по поддерживанию и совершенствованию продукивнх качеств мясных кур вусокопродуктивнux кроссов Автореферат док. Дисс. Ленингад 1980 с 29-36
- 85.Эргашев Р.Х. “Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти”. Дарслик. Тошкент Ekstremum Press.2011й.

86. Эрматов Ю.А. Истикболли бройлерларни маҳаллий озуқалардан фойдаланиб жадал ўстириш. 2004 й.
87. Эрматов Ю.А Фермер, деҳқон ва оила хўжаликларида бройлер гўшти ишлаб чиқариш. 2007 й.
88. Эрматов Ю.А, Эрматова Н.Ю, Бухариев Х, Ҳимматов Қ, “Қишлоқ хўжалик тараққиёти фаровонлик манбаи” мавзусидаги илмий тўплам. 2001 й.
89. Эрматов Ю.А. Жўжа боқишни биласизми? “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали, 2007 № 5. 19 б.
90. Ғуломов К.Х, Соғамонов А.Р. Турли минерал таркибидаги сув билан сугоришнинг бройлер жўжаларнинг гўшт маҳсулотларига таъсири Самарқанд 1994
91. Bell D. The effects of coq, Bousing and stain of chickent on various performonce pavameters. Poultru adviser, 1988.p 29-44
92. Boushy A.R ва Rattrhir R. Replacement of soy beon meal by cottonseed meal and peanut meal low energy drets for brorlers. Poultry Sc 1989. 6
93. Boushy A.R. Replancement of soy beon meal by cottonseed meal and Reternik R peanut meal in low enerqu drets for brorlers. Poultry Se 1989.
94. Soukopova Z. Bestimmung der kombinationsciqning ven Broilerlien unter productions bedinqunqen. 1991 153-157
95. Lazar J, Kovasova A, Muranska A, Kovas J. Pee in chicken nutrition Folia vater kosice 1987 p 31 J.C. Ir F
96. Horani F.G. The use of bull – bad soyse in pountry feeds polity Guid (1988) p 25
97. Panait M et. ull Crasterce Mm 1980 p 22-28
98. Hauptman J, Heger J, Lindner P, Machkova J. Umitace uminanyallin pri adstupnovunych hlodinoch sojoveho extrahovoncho storu a rmnych smesik BR 1 Biol/ Chen Zivocism vyohe-veter 1989 p 25.

- 99.Chappa V, Peter V. Producing veinvos bielkovinov ych koncentrativ 2 netradicnyh a alternativnyh krimiv pri vyrob brojlerovych rureiat/ Biol Chem/ -Vater 1991.

Интернет маълумотлари.

100. www.пресс-сервисе.уз,
101. www.ерс.усда.гов,
102. www.самқхи.уз,
103. www.еду.уз,
104. www.усда.гов ,
105. www.гоогле.уз ,
106. www.зиёнет.йз.-ахборот – талим портали
107. www.стат.уз-ЎзР- Давлат статистика қўмитасим сайти
108. www.агро.уз-ЎзР- Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти
109. www.асадемай.уз. Ўзр Фанлар академияси сайти
110. www.фтк.сс.уз-Ўзр Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологиялари ривожланишини мувофиқлантириш қўмитаси сайти
111. Самарқанд тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларнинг 2009-2011 йиллардаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг бирламчи ва статистик ҳисоботлари маълумотлари.

